

---

---

**Наргис ҚОСИМОВА**

---

---

# **СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ОАВ НИГОҲИДА**

*Услубий қўлланма*



YEVROPA ITTIFOQI

Европа Иттифоқи



Марказий Осиё минтақавий  
экологик маркази



Ўзбекистон журналистларни  
қайта тайёрлаш маркази



Ўзбекистон Республикаси  
«Сувчи» жамоат бирлашмаси

**Чўлон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2018**

УЎК 628.17(575.1):366.636(072)

КБК 26.22(5Ў)

76.0(5Ў)

Қ 61

**Расмий тақризчилар:**

**Эркин Омонов** – Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот хизмати раҳбари

**Беруний Алимов** – филология фанлари номзоди, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг катта ўқитувчиси

**Масъул мұхаррир:**

**Гулнора Бобоғонова** – ф.ф.н., Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори

**Мұхаррир:**

**Дармон Ибрагимов**

**Қосимова Н.С.**

К 61 Сувдан фойдаланиш масалалари Ўзбекистон ОАВ нигоҳида [Матн]: услубий қўлланма/Н. Қосимова. Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази, Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида сув ресурсларини барқарор бошқариши» лойиҳасининг ISBN 978-9943-5380-8-5



Услубий қўлланма Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази кўмагида Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида сув ресурсларини барқарор бошқариши» лойиҳасининг бир қисми бўлган «Ўзбекистонда сув ва атроф-муҳит масалалари бўйича хабардорликни ошириш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш (UzWaterAware)» йўналиши доирасида тайёрланиб, у сув муаммолари ва сувдан фойдаланиш мавзусини ёритаётган ва фаолият юритаётган журналистлар, журналистика факультетларининг талабалари, экологлар, ўқитувчилар, мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари, фаоллар учун мулжалланган.



УЎК 628.17(575.1):366.636(072)

КБК 26.22(5Ў)

76.0(5Ў)

ISBN 978-9943-5380-8-5

© Қосимова Н.С., 2018

© Чўлпон номидаги НМИУ, 2018

## СҰЗБОПИ

Дунё ақолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдыган жойларда истиқомат қилади. 2025 йилга келиб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард ақоли тоза ичимлик суви танқис худудда яшапши мүмкін<sup>1</sup>. Ушбу муаммо бизнинг минтақамиз учун ҳам ажамиятлидир. Боз устига, бугунги кунда Ер юзидаги дарёларнинг ярмиға яқини ифлосланган, уларнинг ресурслари тутаб бормоқда. Сув танқислиги катта иктиносидій қийинчилик билан бирга, ақоли саломатлигига салбий таъсир күрсатып, ижтимоий муаммоларни ҳам келтирип чиқармоқда. Марказий Осиёда сув захираларининг қисқариши, уларнинг сифат күрсаткышлари пасайиши ҳам энг долзарб муаммолар сирасига киради. Албатта, ақолининг саломатлигиги, келажакда ақоли сонининг ошиб бориши билан ер усти ва ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида фойдаланиш янада кучаяди. Шу сабабли ҳам яқин йилларда ақолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, уни тежаш борасида көнг күламли тарғибот ишларини олиб бориш мұхим.

Мазкур услубий құлланма тренерлар, журналистлар, үқитувчилар талабалар фаолларға мүлжалланған. У сувни тежаш ва сувдан фойдаланиш масалаларини түшунтириш, мазкур йұналишда семинар-тренинглар, маҳорат дарслари ташкил этишде ижобий натижаларға эришиш учун хизмат қилади.

<sup>1</sup> <http://www.poelidovolen.ru/parents/interesting/59>

## КИРИЛ

1. **Семинар-тренинг қатнашчилариниң рүйхатдан ўтказиш.** Сұровнома тұлдириши.

2. **Семинаринг очилиши.** Қатнашчилар ва улар семинардан нималарни кутаёттани билан танишиш. «Кутув» дарахти. (Флипчартта дарахтнинг расми чизилади ва қатнашчиларга олма шакидаги турли хил рангдаги стикерлар тарқатилиб, улардан үз кутувларини ёзиш сұралади. Ҳар бир стикерга Ѽзилған кутув тренер томонидан овоз чиқарып ўқылади ва дарахтта ёпиштирилади).

3. **Сұзбони.** Семинар-тренинг қатнашчиларига лойиҳанинг мақсади, вазифалари сұзлаб берилади.

4. **Тәнисшүв.** Семинар-тренинг қатнашчилари билан «Интервью» усули орқали танишилади. (**«Интервью»:** тренер қатнашчиларни иккитадан бұлып, уларга 3 дақықа вакт беради ва бир биридан 5 та саволға жавоб олишини сұрайди. Саволлар:

1. Исми, шарифи, фамилияси, иш жойи, лавозими.

2. Қатнашчынинг хоббиси

3. Ҳаётдаги шиори

4. «Сув» қатнашчи учун нима? Қисқача таъриф берилади.

5. Сув мұаммосини бартараф этишінде қатнашчи үзининг қандай ҳиссасини құшмоқда?

## 1-МОДУЛЬ.

### **Мавзу: ДУНЁДА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА СУВНИ ТЕЖАП БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР**

**Модулнинг мақсади.** Ер сайёрасида ва Марказий Осиёда сув ва сувдан фойдаланиш муаммоларининг асосий мазмунини очиш орқали бутунги қунда инсонлар дуч келаётган қийинчиликлар, антропоген таъсир натижасида пайдо бўлаётган сув тақчиллиги ва унинг оқибатлари, Орол фожиасининг юзага келиш сабаблари, экологик хавфсизлик ва уни таъминлаш омиллари тушунтириб берилади.

**Тарбиявий мақсади.** Антропоген таъсир оқибатида сув тақчиллиги ва унинг оқибатида юзага келаётган муаммолар борасида журналистлар, экологлар, аҳолининг хабардорлигини ошириш.

**Керакли жиҳозлар.** Проектор, интернет тизимига уланган ноутбук, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қозоз скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар.** Сув тушунчаси, сув стишмовчилиги муаммоли, ичимлик сувининг сифати, Ўзбекистон, Марказий Осиё, Орол денгизи, трансчегаравий дарёлар.

#### ◆ Методик тавсиялар:

**A. Сўзбоши.** Ер сайёрасида ва Марказий Осиёда сув ва сувдан фойдаланиш муаммоларининг асосий мазмунини очиш орқали бутунги қунда инсонлар дуч келаётган қийинчиликлар, антропоген таъсир натижасида пайдо бўлаётган сув тақчиллиги ва унинг оқибатлари, Орол фожиасининг юзага келиш сабаблари «Ақлий ҳужум» ва тақдимот шаклида тушунтириб берилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг дунёдаги ва Марказий Осиёдаги экологик муаммолар, хусусан сувдан фойдаланиш масалалари борасидаги билимлари ва амалий кўникмаларини қўллаш лозим.

**B. Модуль баёни.** Глобал, ҳудудий ва локал экологик муаммолар ҳақида тушунча. Сув тушунчаси. Сувнинг табиат, флора ва фауна, инсон ҳаётидаги ўрни. Антропоген таъсир натижасида пайдо бўлаётган сув тақчиллиги ва унинг оқибатлари, Орол фожиасининг юзага келиш сабаблари. Экологик хавфсизлик ва уни таъминлаш омиллари.

Хаво (кислород)дан сўнг сув инсонлар, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаётида асосий ўринни эгаллайди. Инсон овқатсиз беш ҳафта ва ундан кўпроқ, аммо сувсиз фақат бир неча кунгина яшай олиши мум-

кин. Экинларнинг 80–95% огирилиги ва ҳайвонларнинг 70 % огирилиги сувдан ташкил топган<sup>1</sup>. Инсон мияси огирилигининг 90%и маҳсус тоза сувлар билан шаклланган. Сув инсоннинг жигари, буйраги, териси ва ўпкаси унинг қонини ва бутун организмини хавфли ва кераксиз моддалардан тўхтосиз тозалаб туради. Ичимлик сувига аралашган, инсон организмига хос бўлмаган бегона моддалар одамларнинг руҳий ҳолатини издан чиқаради.

Қадимда араб ва Африка мамлакатларида одамлар тогдан эриб тушган қор-ёмғир сувларини мешшарда олиб келиб, гумбазсимон курилган маҳсус сардобаларда тўплаб, келаси баҳоргача фойдаланишган. Сувнинг тозалигини асраб туриш учун эса ўзларининг кумуш, тилла буюмлари ва тақинчоқларини ўша сувга солиб қўйганлар. Демак, улар сувнинг баҳосини, қадрини олтиндан баланд тутганлар. Маълумки, Ер юзидағи умумий сув манбаини юз фоиз деб оладиган бўлсак, шундан 2,5% ичимлик сувига тўғри келади. Инсон вужудининг эса ўртача 85% сув ташкил этади<sup>2</sup>. Шу рақамларнинг ўзиёқ табиат ва инсондаги сувга бўлган эҳтиёжнинг чексизлигидан далолатdir. Ер юзи аҳолисининг 40% ортиқроги сув етишмовчилигидан азият чекади. Бутун сайёрамизда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва иқлим ўзгариши оқибатида бу қўрсаткичнинг янада ортиши эҳтимоли мавжуд. Гарчи 1991 йилдан бошлаб 2,1 миллиард инсон нисбатан сифатли сув ва санитария тизимидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритган бўлсада, Ер шарининг ҳар бир қитъасида хавфсиз ичимлик суви захираларининг камайиб бориши энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди<sup>3</sup>. Ҳозирда Ер юзасида яшаштган 7,55 млрд. аҳолининг 2 млрд. (26,5%)и тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,4 млрд. (31,8%)и эса санитар талабларга жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур, 1,9 млрд. (25,2%) аҳоли йўл қўйиб бўлмайдиган санитар-тигиеник шароитда кун кечирмоқда. Соҳа мутахассисларининг тахминларга кўра 2025 йилга бориб, Ер юзаси аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 6 нафари, ёки 5,5 млрд. киши тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшашга мажбур бўлади<sup>4</sup>. Агар жаҳон ҳамжамияти томонидан тегишли чоралар кўрилмаса, бу ҳолат йилдан-йилга ёмонлашиб бора-веради.

**B. Хулоса.** Сув муаммосининг олдини олиш борасида семинар-тренинг қатнашчиларига тавсиялар:

<sup>1</sup> [www.agriculture.uz/.../Issiqhona%20jihoz%20va%20uskunal](http://www.agriculture.uz/.../Issiqhona%20jihoz%20va%20uskunal).

<sup>2</sup> <http://ekobarqaror.muloqot.uz/tag/c-komuammo/>

<sup>3</sup> Обеспечение наличия и рационального использования водных ресурсов и санитарии для всех. <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/post-2015/sdg-overview/goal-6.html>

<sup>4</sup> [www.agriculture.uz/.../Issiqhona%20jihoz%20va%20uskunal](http://www.agriculture.uz/.../Issiqhona%20jihoz%20va%20uskunal).

А) ҳар бир инсон сувнинг дунё, мамлакат, табиат, оиласи ҳаётидаги аҳамиятини тушуниши зарур.

Б) ҳар бир одам сувни тежаши лозим.

В) фуқароларга экологик муаммоларнинг мазмунини ва миллий қадриятларга асосланган сувни тежаш сабабларини тушунтириш керак.

## МОДУЛЬ БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

### *Далил ва рақамлар<sup>1</sup>*

- ✓ 1991 йилдан бўён 2,1 миллиард киши тозаланган ичимлик суви манбаларидан фойдаланиши имкониятига эга бўлди, аммо қолган инсонлар хануз ана шундай имкониятдан мосуво.
- ✓ Дунё миқёсига камида 1,8 миллиард инсон најлас билан ифлосланган ичимлик сувидан фойдаланади.
- ✓ 1990–2015 йилларда тозаланган сув манбаларидан фойдаланиши имкониятига эга бўлган аҳоли улуши 76 фоиздан 91 фоизга ортди.
- ✓ Дунё аҳолисининг 40 фоиздан ортиқроғи учун сув тақчилиги долзарб бўлиб турибди ва тахминларга кўра ушбу муаммо кучайиб боради. Бугунги кунда 1,7 миллиард киши сув истеъмоли унинг ўрнини тўлдириши имконияти бўлмаган дарё бўйларида истикомат қиласди.
- ✓ Дунёда 2,4 миллиард инсон ҳожатхона ёки маҳсус жаҳозланган ўралар кўриншиидаги санитария хизматларидан фойдаланиши имкониятига эга эмас.
- ✓ Инсон фаолияти натижасида юзага келадиган оқава сувларнинг 80% ортиқроғи тозаланмасдан дарё ва денгизларга ташланади.
- ✓ Ҳар йили минглаб болалар сув таъминоти ва санитария соҳаларида миқёсига оқибатида келиб чиқадиган диарея касалликларидан вафот этишади.
- ✓ Дарё, кўл ва бошқа сув манбаларидан олинадиган сувнинг тахминан 70% сугориш учун ишлатилади.
- ✓ Табиий оғатлар натижасида рўй берадиган барча ўлим ҳолатларининг 70% сув тошиқини ва сув билан боғлиқ бошқа фалокатлар ҳиссасига тўғри келади.

<sup>1</sup> <http://www.un.org/ru/sections/issues-depth/water/index.html>

## **Одам фаолиятининг атмосфера ва сув захираларига таъсири**

**Атмосфера.** Сайёрамиз атмосфераси Ер массасининг миллиондан бир қисмини ташкил этади. Лекин атмосфера биосферадаги жараёнларга жуда катта таъсир кўрсатади. Атмосфера сайёрамизнинг иссиқлик режимини белгилаб беради ҳамда уни космик ва ультрабинафша нурларнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қиласиди. Атмосфера циркуляцияси муайян ҳудудлар иқлимига ва у орқали дарёлардаги сув режими, тупроқ ва ўсимликларга таъсир кўрсатади.

**Атмосферанинг ҳозирги таржиби.** Атмосфера асосан, азот ва кислород аралашмасидан иборат. Ўнда аргон ва карбонат ангидрид, жуда оз миқдорда инерт газлар (неон, гелий, криpton, ксенон), аммиак, метан, озон, олтингутурт оксиди ва бошқа газлар бор. Бундан ташқари атмосферада Ер юзасидан келадиган қаттиқ заррачалар ёниши ва вулқон отилишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар, тупроқ заррачалари, коинотдан келадиган космик чанг ҳамда ҳар хил ўсимлик, ҳайвон ва микроблар маҳсулотлари, шунингдек сув буғи бўлади.

**Атмосферанинг ифлосланиши.** Атмосферадаги салбий ўзгаришлар асосан, атмосфера ҳавосида иккинчи даражали мoddалар миқдорининг ўзгариши билан бөлглиқ. Атмосфера ифлосланишининг табиий ва антропоген манбалари бўлади.

Атмосферанинг табиий ифлосланиши Ер юзининг айрим ҳудудларида содир бўлиб турадиган табиий оғатлар: вулқонларнинг отилиши, чангли тўфонлар, ўрмонларнинг ёниши, органик қолдиқларнинг чириши билан бөлглиқ. Бундай оғатларда атмосферага кўп миқдорда олтингутурт оксиди, водород сульфид, углерод оксидлари, бошқа газлар, чанг ва органик зарралар кўтарилади.

Чангли тўfonларнинг пайдо бўлиши ва кучайиб бориши инсон хўжалик фаолиятининг ривожланиб бориши билан ҳам бөлглиқ. Орол денгизига қуйиладиган дарёларнинг йўли тўсилиши оқибатида денгиз тубининг очилиб қолиши бу минтақада чангли тўfonларнинг кўчайишига олиб келди. Маълумотларга кўра, Орол дengизининг қуриб қолган тубидан бир йил давомида 12,5–17,5 млн. тонна тузли чанглар ҳавога кўтарилади. Бундай чанглар, асосан Орол бўйидаги ҳудудларга ётилиб, тупроқнинг шўрланишини кучайтиради. Орол дengизи тубидан кўтариладиган чанг излари Тяньшан музликларидан ҳам топилган.

Атмосферанинг антропоген ифлосланиши нефть, тошкўмир каби табиий ёқилгиларнинг ёниши билан бөлглиқ. 19-аср охири ва 20-аср бошларида атмосферага чиқариладиган ёниш маҳсулотларини ўсимликлар деярли тулиқ ўзлаштирган. Лекин ёқилги жуда кўп миқдорда

ишилатила бошланган ҳозирги даврда атмосферада ёнишининг заҳарли маҳсулотлари концентрацияси тобора ошиб бормоқда. Улар орасида олтингутурт оксиди, водород сульфиди, углерод оксиди – ис гази айниқса заҳарли ҳисобланади.

Атмосферада олтингутурт оксиди мис, фтор, алюминий эритиш заводлари яқинида кўпроқ бўлади. Олтингутурт оксиди ўсимликлар баргидаги хлорофиллини емиради; гулдаги чандонларнинг стилишга салбий таъсир кўрсатади; баргларнинг қуриб, тўкилишига олиб келади. Олтингутурт оксидининг бир қисми олтингутурт ангидридигача оксидланади ҳамда сувда эриб кислотага айланади ва у Ер юзига кислотали ёмғир бўлиб ёғилади. Кислотали ёмғирлар организмлар ва биноларга зарар етказади, ўсимликлар ўсиши учун зарур бўлган чириндилар(гумус)ни тупроқдан ювиб кетади. Бундан ташқари тупроқда кальций, магний, калий тузлари ҳам камаяди. Бунинг оқибатида тупроқнинг унумдорлиги пасаяди. Кислотали ёмғир сув ҳавзаларида жониворларни ҳам қириб юбориши мумкин.

Ҳар йили кўмир, нефть, газ ва бошқа ёқилиши туфайли атмосферага миллиардлаб тонна карбонат ангидрид ажralиб чиқади. Бу газнинг тахминан ярми яшил ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади ва океан сувига ютилади, қолган қисми атмосферада қолади. Шунинг учун атмосферадаги карбонат ангидрид миқдори сўнгти ўн йил давомида 10% га ортган. Карбонат ангидрид қўёш энергиясининг космик бўшикка қайтарилишига тўқснлик қилиб, иссиқхона эффектига сабаб бўлади. Бу ҳолат Ер юзида ҳароратнинг аста-секин кўтарилишига олиб келиши мумкин.

Саноат корхоналари, автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари ёқадиган ёнилгидан атмосферага азот оксидлари, кўргошин (ҳар бир автомобиль бир йилда 1 кг кўргошин чиқаради), кадмий, симоб, бошқа металлар бирикмалари, ацетилен, этилен, метан, пропан, толуол, бензопирен ва бошқа углеводородлар ажralиб чиқади. Бу газлар атмосферадаги сув томчилари билан бирга заҳарли туман – смог ҳосил қиласида. Ҳаводаги суюқ ва қаттиқ чанг заррачалари Ер юзасига тушадиган кўёш радиациясининг камайишига олиб келади.

Ёниш маҳсулотларидан азот оксидлари ва совутгичларда фойдаланиладиган фреоннинг кўпайиши атмосферанинг юқори қатlamидаги озон қаватининг юпқалашиб, емирилишига олиб келади. 20-асрнинг 80-йилларида дастлаб Антарктида, сўнгра Шимолий қутб устидаги озон қаватида тешик ҳосил бўлганлиги тўгрисида ташвишли хабарлар пайдо бўла бошлади. Озон қаватидаги бундай тешниклар Скандинавия, Россия ва Канада устида пайдо бўлиши мумкин. Ультрабинафша нурлар дозасининг ортиши одамлар орасида тери саратони, кўз катаректаси каби касалликларнинг кўпайиши-

га, дараҳтларнинг заарланишига, денгизларимиз маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади.

Атмосфера ҳавосининг сайёра миқёсида ифлосланиши экотизимларнинг табиий ҳолатининг, биринчи навбатда, ернинг яшил қопламасининг йўқолишига олиб келади. Айниқса, йирик шаҳарлар ва саноат корхоналари жойлашган ҳудудлардаги яшил ўсимликлар кўпроқ зиён кўради.

**Чучук сувларнинг ифлосланиши**<sup>1</sup>. Сув ҳавзаларининг ифлосланишида кўпинча нефть ва нефть маҳсулотлари асосий ўрин тутади. Нефть табиий йўл билан Ер юзасига чиқиб, сувни ифлослантириши мумкин. Аммо ифлосланиши асосан одам фаолияти, хусусан нефть қазиб чиқарип, уни ташниш, қайта ишланиш, ундан ёқилги ва саноат ҳомашёси сифатида фойдаланиши билан боғлиқ. Давлатлар ўртасидаги можаролар ва нефть қазиб олинадиган ускуналарнинг издан чиқиши билан боғлиқ ҳодисалар сув, атмосфера, тупроқ муҳитининг ифлосланишида катта ўрин тутади.

Сув ҳавзалари қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилган далалар, чорвачилик фермалари, саноат корхоналаридан чиқаётган оқава сувлар билан оқиб келадиган металлар (масалан, симоб, қўргошин, рух, мис, хром, марганец, қалай), радиоактив ва заҳарли моддалар билан ҳам ифлосланиши мумкин. Металлар орасида айниқса, симоб, қўргошин ва уларнинг бирикмалари жуда ҳавфли ҳисобланади.

Саноат корхоналаридан чиққан чиқинцилар, экинларни парвариш қилишда фойдаланиладиган кимёвий ўғитлар, қишлоқ ҳўжалик зааркунандаларига қарши қўлланиладиган кимёвий воситалар ҳам оқава сувлар билан сув ҳавзаларига тушганида уларни ифлослантиради. Азот ва фосфорли органик бирикмалар шаҳар канализация қувурлари орқали ҳам сув ҳавзаларига кўп микдорда келиб тушади.

Озиқ моддалар концентрациясининг ортиши сув ҳавзасидаги биологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Дастрлаб сув ҳавзасида микроскопик сув ўтлари тез кўпая бошлайди. Озиқнинг мўл бўлиши сув ўтлари билан озиқланадиган планктон-қисқичбақалар сонининг ортишига олиб келади. Бу эса планктонхўр балиқлар ва бошқа ҳайвонларнинг кўпайишига имкон беради. Бироқ сувдаги кислород захирасининг тез камайиши, кўп микдорда организмлар қолдигининг чириши натижасида заҳарли олтингугуртли водород газининг тўпланиши, организмларнинг ёппасига қирилиб кетишига олиб келади. Сув ҳавзаси тирик организмлар яшани учун яроқсиз бўлиб қолади.

<sup>1</sup> aim.uz/index.php/referaty/69.../13649-suv-avzalarini-ifloslanishdan-sa-lash.html

Электростанциялардан ва айрим саноат корхоналаридан чиқариладиган илитилган сув ҳам табиий сув ҳавзаларидағи экологик мувозанатта таъсир қылади. Сув ҳароратининг күтарилиши билан сувда эрийдиган кислород камаяди; анаэроб организмлар (күк-яшил сув штлари, бактериялар) тез қўпайиб, сувни заҳарлайди ва сув ҳавзасидаги экологик мувозанат бузилади.

Бир қанча ҳудудларда экинларни сугоришда ер ости сувларидан фойдаланилади. Илгари ер ости сувлари энг тоза сув ҳисобланар эди. Одамнинг хўжалик фаолияти туфайли ер ости сувлари ҳам ифлосланниб, ичишга яроқсиз бўлиб қолади.

Инсоният қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари стиштириши мақсадида ҳар йили 2200 км<sup>3</sup> чучук сув сарфлайди. Бу сувнинг таҳминан 60–80% қишлоқ хўжалигига сарф бўлади. Саноат тармоқлари орасида айниқса тог рудасини қазиб олиш, пўлат эритиш, кимё, нефть-кимё, целлюлоза-қозоз ва озиқ-овқат саноатлари сувнинг кўп сарф бўлишига олиб келади. Бу тармоқлар эҳтиёжи учун саноатда фойдаланиладиган чучук сувнинг 60–80% и тўғри келади.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг бундан бўён ўсиши кўшимча чучук сув захираларини талаб қылади. Лекин ҳозирнинг ўзида инсониятнинг чучук сувга бўлган талаби тўла қондирилаётганийдек. Аҳолининг чучук сувга талаби шаҳарларда 80% га, қишлоқларда 25% га қондирилмоқда. Чучук сув ҳавзаларининг ифлосланиши сув захираларининг янада камайишига олиб келмоқда<sup>1</sup>.

Кейинги ярим аср мобайнида кўпчилик мамлакатларда сув захираларининг камайиб бориши кузатилмоқда. Ер ости сувлари ҳам камайиб бормоқда. Чучук сувлардан сугориш ва саноатда пала-партиш фойдаланиш, нам сақловчи ўрмонларнинг кесилиши, ботқоқликларнинг қуритилиши кичик дарёларнинг йўқолиб кетишига, йирик дарёларда сувнинг камайишига олиб келди. Сугориладиган экин майдонларининг кенгайиши, Орол денгизининг қуриб қолишига сабаб бўлган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Сўнгти йилларда Орол атрофидағи ҳудудларда барча табиий сув ҳавзалари, кўллар қуриб қолди. Ҷўлланиш ва сув танқислиги Оролбўйи экотизимининг тамоман емирилишига олиб келди.

**Дунё океанининг ифлосланиши.** Далаларда ишлатиладиган кимёвий ўғитлар ва заҳарли моддалар, саноат корхоналари чиқиндилари оқава сувлар орқали дарёлардан океанларга оқиб чиқади. Бундан ташкири ҳалокатта учраган дengiz транспортлари ҳам океан сувининг нефть ва бошқа маҳсулотлар, оғир металллар билан ифлосланишига сабаб бўлади. Ифлосланиш айниқса дengизларда кучли бўлиб (маса-

<sup>1</sup> aim.uz/index.php/referaty/69.../13649-suv-avzalarini-ifloslanishdan-sa-lash.html

лан, Қора ва Азов), дengiz ҳайвонларининг қирилиб кетиппига олиб келади. Ифлосланиши туфайли кўп ҳолларда овланган балиқ ва моллюскалар озиқ-овқат учун яроқсиз бўлиб қолади. Заҳарли кимёвий моддалар узоқ Антарктида яшайдиган пингвинлар организмидан ҳам топилган.

### *Нима учун шундай бўлади?*

Сув энг қимматли табиий бойлик ҳисобланади. Чунки у барча тирик организмлар учун зарур. Ер сайдерасидаги сувнинг 97,2% дунё океанлари, 2,70% ер ости чучук сувларига, фақат 0,01% табиий сув ҳавзаларига тўғри келади. Ана шу чучук сувлардан ҳам одам ўзининг хўжалик фаолиятида фойдаланади<sup>1</sup>.

Амударё серсув бўлиб, музлик ва қорлардан сув олади. Дарёning ўртача йиллик оқими 1960 йилларгача ўртача 2080 м<sup>3</sup>/сек.ни ташкил этган бўлса, ўтган асрнинг 80-йилларида Орол дengизига қуйиладиган сув миқдори 160 м<sup>3</sup>/сек, 1995 йилда 24,2 м<sup>3</sup>/сек. га тушиб қолди. Амударё суви ниҳоятда лойқа бўлиб, унинг 1 м<sup>3</sup> сувида 3740 г оқизик мавжуд. Йиллик оқизик миқдори 210 т.га етади. Амударё ҳар йили Орол дengизига 18 млн. т. туз олиб келади. Ҳозир эса сув миқдорининг кескин камайиши оқибатида Амударё сувининг Орол дengизига етиб бормаслиги билан якунланди. Сувнинг шўрланиш даражаси 0,4–0,6 г.л. дан 1,4–2,5 г.га ортди.

Амударё ва унинг ирмоқлари бўйлаб йирик сув омборлари, гидроузеллар қурилган. Дарёдан Катта Қорақум, Аму-Қорақўл, Қарши магистрал, Тошсоқа, Қизкетган каби ўнлаб йирик каналлар сув олади, коллекторлар орқали далалардан чиқадиган оқава сувлар дарёга қуйилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Сувчи» жамоат бирлашмаси тақдимоти. 2018 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси «Сувчи» жамоат бирлашмаси тақдимоти. 2018 й.


## МОДУЛЬ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ НАМУНАЛАРИ

(*Модуль тақдимотлари Ўзбекистон Республикаси  
«Сувчи» жамоат бирлашмаси томонидан тайёрланган*)

### СУВ – ҲАЁТ ШАРБАТИ

Улуг рассом, олим ва мутафаккир Леонардо да Винчи сувни «Ҳаётнинг шарбати» деб атаган эди. Ҳақиқатдан ҳам ер юзида таркибида сув бўлмаган ҳамда сувсиз ҳаёт кечира оладиган на бирорта тирик жонзор ва на бирорта усимлик топилсин. Ҳаво (кислород)дан сўнг сув – инсонлар, ҳайвонот ва усимликлар ҳаётида асосий ўринни егаллайди. Инсон оқтасиз беш ҳафта ва ундан кўпроқ аммо, сувсиз фақат бир неча кунгина яшай олиши мумкин.

Гидролог олимларнинг ҳабарига кура, ер шари юзасининг 71 фоизи сув билан қоллаганига қарамасдан унинг атиги 2,8 фоизигина истеъмол учун яроқлидир (1 арасм) ва бу курсатигич сувдан оқилона фойдаланмаслигимиз оқибатида тобора қисқармоқда. Агар планетадаги сув ресурслари ер юзи бўйлаб бир хил тақсимланса, у 39 м сув остида қолиб кетарди (1 брасм).



1-расм. Ер юзида сувнинг тақсимланиши:  
А – сифати бўйича, Б – сув остида қолиш чукурлиги.

### СУВ – ҲАЁТ ШАРБАТИ


Хозирда ер юзасида яшайдиган 7,55 млрд аҳолининг 2 млрд (26,5%) тоза ичимлик сувига мухтож, 2,4 млрд (31,8%) эса санитар талабларга жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур, 1,9 млрд (25,2%) аҳоли йўл кўйиб бўлмайдиган санитар-гигиеник шароитда кун кечирмоқда.

Соҳа мутахассисларининг тахминларига кўра 2025 йилга бориб, ер юзаси аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 6 нафари ёки 5,5 млрд Аҳоли тоза ичимлик суви етишмайдиган худудларда яшашга мажбур бўлади.

Ер юзи аҳолисининг фақатгина 1,25 млрд (16,5%) санитария талабларига жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминланган холос.

Агар жаҳон ҳамжамияти томонидан тегишли чоралар кўрилмаса, бу ҳолат йилдан-йилга ёмонлашиб бораверади.

2-расм. Ер юзи аҳолисининг  
ичимлик суви билан  
таъминланганини




## СУВ – ҲАЁТ ШАРБАТИ

Маълумки, ўтган асрнинг бошларида йилнинг исиқ даврларида эриб, дарёларни сув билан тўйинтирган музликларнинг ўрни қиши даврида ёқсан кор ва ёмгирилардан хосил бўлган музликлар билан тўлдирилар эди. Аммо инсониятнинг бетартиб ва номутаносиб фаолияти натижасида кейинги йилларда ер юзининг глобал исиши ва иклим ўзгариши юзага келди.

Иклимининг исиб бориши Орол ҳавзасидаги барча мамлакатларда кузатилмоқда. Глобал иклим исиши тезлиги 1950 йилдан бошлаб ўртача  $0,13^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қиласди. Марказий Осиё мамлакатларида иссиқликин ўзгариши хар 10 йилга кўйдагиларни ташкил қиласди:

- Козогистон –  $0,26^{\circ}\text{C}$  (1936–2005 йиллар);
- Киргизистонда –  $0,80^{\circ}\text{C}$  (1883–2005 йилларда);
- Ўзбекистонда –  $0,29^{\circ}\text{C}$  (1950–2005 йилларда);
- Тожикистонда –  $0,10^{\circ}\text{C}$  (1940–2005 йилларда);
- Туркманистонда –  $0,18^{\circ}\text{C}$  (1961–1995 йилларда).

Ўзбекистон Республикасида иклим исиши тезлиги ўртача тезлиқдан 2 баробар кўплиги кўриниб турибди (3-расм).




3-расм. Ўзбекистонда иклим ўзгариши тезлиги

## СУВ МАНБАЛАРИ

Сув манбалари, ер усти хамда ер остида жойлашган бўлиб, улар доимо бир-бири билан узвий бўлглидир. Океанлар, денгизлар, дарёлар, каналлар, сув омборлари, кўллар, булоклар, сойлар – ер усти, сизот ва артезиан сувлари эса, ер ости сув манбаларини ташкил қиласди. Табиатда сув тўхтовсиз харакатда бўлади. Шунинг учун сув бир ҳолатдан иккичи – суюқлик ҳолатидан буг, кор ва муз ҳолатига ўтиб туради. Сувни табиатда айланшининг асосий сабабчиси, бутун ер юзига тушиб турадиган кўёш нуридир.

Кўёш нурлари таъсири остида барча сув манбалари (океанлар, денгизлар, дарёлар, кўллар, сойлар, булоклар, сув омборлари каналлар ва бошқалар) юзасидан тўхтовсиз, кўп микдорда сув бугланиб туради. Атмосфера кўтарилиган булгар, кучли ҳаво оқимлари билан юзлаб ва минглаб километр масофага олиб кетилиади.



7-расм. Табиатда сувнинг айланиси

## **КЕЙС СТАДИ**

### **♦ 1-ТОПШИРИҚ**

Қатнашчиларни 4–5 нафардан иборат 4 та гурухга бүлинг. Ҳар бир гурух бутунги кунда оила, давлат, миңтақа ва сайёрамиздаги сув муаммолари ва унинг келиб чиқиши сабабларини санаң ұтсинаң. Гурух-лар тақдимоти чогида бир бирини тақрорловчи сабаблар ишлатили-шиға йўл қўйилмасин.

### **♦ 2-ТОПШИРИҚ**

Орол денгизи муаммосини ўрганинг. Орол денгизи фожиасининг келиб чиқиши сабаблари, уни бартараф этишда қўлланилган чоралар ва йўл қўйилган хатоларни аниқланг. Орол денгизи истиқболини тушунтириб беринг. Орол денгизи муаммоси ва унинг Оролбўйи ха-лқлари ҳаётига таъсири борасида журналистик материал тайёрланг.

### **♦ 3-ТОПШИРИҚ**

Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлар муаммосини ўрганинг. Амударё ва Сувдарёнинг суви нега йилдан йилга камаймоқда, сабаби-ни аниқланг. Марказий Осиё давлатларида сув сарфи борасида ин-фографика ясанг.

---

---

## 2-МОДУЛЬ

### **Мавзу: ГЛОБАЛ ИҚЛІМ ЎЗГАРИШИННИҢ СУВ РЕСУРСЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**Модулнинг мақсади.** Глобал иқлиминг ўзгариши ва унинг оқибатлашы, хусусан об-ҳавонинг ўзгариши, чучук сув манбаи бўлган муз заҳираларининг эриши, иқлимий шароит XX асрнинг ўрталарига келиб кучли антропоген таъсирга учраганини, шунингдек, Ер юзасида аҳоли сонининг ортиши натижасида табиий ресурсларга бўлган талаф ва эҳтиёжнинг тўхтовсиз ошиши ва ниҳоят, фан ва техниканинг ривожланиши билан инсоннинг табиатга таъсир кучининг ортиб бориши Ер шари иқлимининг ўзгаришига олиб келганлиги тушунтирилади. Иқлим ўзгариши қўйидаги далиллар билан асослаб берилади:

- атмосферанинг кимёвий, физик таркиби инсон фаолияти таъсирининг ортиб бораётганлиги; Озон қатламини емирувчи турли ис газларини ҳамда карбонат ангидрид ва бошқа иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар ва аэрозолларнинг атмосферага чиқарилиши, турли органик ёқилгиларни ёкиш ва энергия сарфлаш орқали атмосфера ҳароратига қўрсатилаётган таъсирининг ортиб бораётганлиги;
- табиий ресурсларнинг тез суръатлар билан ўзлаштирилиши (ер, сув, ўрмон, тог-кон) туфайли ер сирти альбедосининг ўзгариши;
- дунё океани сатҳининг кўтарилиши ва сув таркибининг ифлосланиши, бузилиши туфайли атмосфера-океан-куруқлик тизимида кечадиган модда, энергия ва газ алмашинувига салбий таъсир қўрсатиши;
- ер шаридаги бўлаётган этник низолар, давлатлараро келишмовчиликлар, урушлар, халқаро тероризм, майший ва саноат чиқиндилирининг табиатга тартибсиз катта миқдорда чиқарилаётгани;
- инсон омили таъсирида ер юзида модда, энергия алмашинувига туфайли табиий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар шиддатининг ортаётганлиги;
- космосни ўзлаштириш мақсадида ракеталарнинг фазога чиқарилиши натижасида Озон қатламига етказилаётган зарар ва бошқалар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қосимова Н. Глобал иқлиминг ўзгариши ва журналистика. Ўқув-амалий қўлланма. – Т., Журналистларни қайта тайёрлаш маркази. 2016. 121 б.

Иқлим ўзгаришининг олдини олиб бўлмаслиги ва унинг оқибатларидан аҳолининг хабардорлигини ошириш зарурлиги, Ўзбекистонда бугунги кунда иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш бўйича олиб борилаётган ишлар қатнашчиларга сўзлаб берилади.

**Тарбиявий мақсади.** Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари, иқлим ўзгариши натижасида юзага келадиган муаммолар, глобал иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш, Ўзбекистонда бугунги кунда иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш бўйича олиб борилаётган ишлар борасида журналистлар, экологлар ва аҳолининг хабардорлигини ошириш.

**Керакли жиҳозлар.** NASA мутахассислари томонидан тайёрланган Ердаги иқлим ўзгаришига багишланган ролик, иқлим ўзгариши тасвирланган харита, проектор, интернет тизимида уланган ноутбук, иқлим ўзгаришини тасвиrlовчи фотосуратлар, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қоғоз скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар.** Глобал иқлим ўзгариши, сув муаммоси, қургоқчилик, конвенция, миллий қонунчилик, Ўзбекистон, глобал иқлим ўзгариши оқибатлари.

#### ◆ Методик тавсиялар:

**A. Сўзбоши.** Глобал иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган муаммолар, хусусан об-ҳавонинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта кескин ўтиши, биохимикалликнинг йўқолиши, чўлланишининг ортиши, сув тақчиллигининг юзага келиши муаммоларининг асосий мазмуни очиб берилади ва «Ақдий ҳужум», баҳс-муноzара, тақдимот шаклида тушунтирилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг дунёдаги ва Марказий Осиёдаги экологик муаммолар, хусусан сувдан фойдаланиш масалалари борасидаги билимлари ва амалий қўникмаларини қўллаш лозим.

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчиларига глобал иқлим ўзгариши сабабларини тушунтириш. Мутахассислар ва олимлар томонидан келтирилган, келажакдаги иқлим ўзгаришлири ва оқибатлари, уларнинг дунё ва хусусан Марказий Осиёга таъсири ва унинг оқибатлари борасидаги башоратларини тақдим этиш. Иқлим ўзгаришидан келиб чиқадиган салбий ҳолатларга мослашиш ва унинг олдини олиш чораларини қўллаш орқали турли хавфларни камайтиришни айтиши.

**B. Хулоса.** Мослашув иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга қаратилган зарурий стратегия ҳисобланади. Иқлим ўзгаришига мослашиш режалаштирилган ёки тасодифан намоён бўлади. Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши қургоқчилик ва сув тошқинлари каби экстремал иқлим ҳодисаларининг турли қўриниш ва миқёсдаги салбий оқибатларини олиб келмоқда. Иқлим ўзгаришининг давомийлигидан қатъий назар унга мослашишга нисбатан бефарқ бўлмаслик ижтимо-

ий-иктисодий заарларни жадал суръатларда камайтиришта ёрдам беради. Самарали стратегияларни ҳуқуқ, молия, иктисод, умумий таълим соҳаларидағи гоя ва ютуқлар асосида ҳамда аҳолини, хусусан оммавий ахборот воситалари вакилларини ўқитиш орқали амалга ошириш зарур. Журналистлар иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига мослашиш борасида жамиятнинг турли қатламларини қангчалик кенг хабардор қўлсалар, биз келажакдаги ўзгаришларга шунчалик тайёр бўламиш ва экологик барқарорликка эришамиз.

**Г. Мавзу бўйича кичик гуруҳларда ишлаш.** Глобал даражада ва Ўзбекистон миқёсида амалга оширилиши керак бўлган 7 та ҳаракатни белгилашни қатнашчиларга тақлиф қилиш. Гуруҳлар тақдимотини ўтказиш. Ҳар бир тақдимотга тренерлар ўз фикрларини билдиришила-ри лозим.

**Д. Тавсиялар.** Иқлим исисиши, яъни ҳаво ҳароратининг глобал ортиши муаммосини бартараф қилиш жуда мураккаб вазифадир. Чунки, бу муаммо ҳам «табиат-инсон-жамият» муносабатларига, яъни учликнинг мувозанатига, уйғун ривожланишига bogliq. Ушбу мувозанат йўлларини топиш ва уни сақлаш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқлим ўзгариши муаммоси мазмун-моҳиятини чукур англаш, Ер шари аҳолиси, давлатлар, халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигига эришиш;
- иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар эмиссиясини (атмосферага чиқарилишини) камайтириш имкониятини берадиган янги технологияни ишлаб чиқиш ва унга ўтиш;
- муқобил энергия манбаларига ўтиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;
- экинзорлардан, айниқса шолипояллардан метан газининг ажраби чиқишини камайтирадиган технология ва усусларни кўлаш;
- уй-жой ва биноларни иситишда тежамкор, экологик талабларга жавоб берадиган усусларни жорий этиш;
- ҳар бир инсонда «Сайёрамиз – умумий уйимиз» туйгуси ва масъулиятини ошириш, экологик маданиятни шакллантириш;
- майший чиқиндиларни оқилона бартараф қилиш технологияси-ни тақомиллаштириш;
- иқлим исисиши индикатори ва оқибатларини ҳудудлар доирасида ўрганиши ва уни бартараф қилишининг географик асосларини излаш ва ушбу мавзуда лойиҳаларни ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ қилиш.

Иқлим ўзгаришини келтириб чиқарувчи антропоген таъсир, унинг оқибатларини юмшатиш ва мослашиш борасида журналистик материаллар тайёрланиш.

## МОДУЛЬ БҮЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

### ИФЛОСЛАНГАН ҲАВОНИНГ ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРГА ТАЪСИРИ

Саноат кундан кунга ривожланиб бормоқда. Айниқса, катта шаҳарларда бу ўзгача тус олмоқда. Ҳавоси тутун, курум ва чанглар билан қопланган шаҳарларда күёшдан келаётган нур камаяди. Инсон соглиги учун керак бўлган ультрабинафша нур етишмаслиги касаллик тўғдирувчи бактерияларнинг ривожланишига қулай шароит яратади, одам организмининг касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилияти пасаяди. Ультрабинафша нурнинг етишмаслиги рахит касаллигини келтириб чиқаради. Организмда заҳарли моддалар тўпланаверса, унинг инфекцияга қаршилик кўрсатиш қобилияти пасаяди. Одам гепертония, астма, жигар перрози, саратон касалликларига йўлиқади. Организмда бурун, оғиз, тери орқали, сув, ҳаво, овқат билан ўтган заҳарли моддалар нафас олиш йўлларини, юрак қон-томир тизимини, қўзнинг шиллиқ пардасини шикастлайди. Ифлос ҳаво: йўтал, бош айланисиши, ўпка касалликларини пайдо қиласиди.

Ҳайвонлар чанг билан қопланган ўсимликларни еганда ва ифлос ҳаводан нафас олганда заҳарланади. Ҳайвон организмига бундай моддалар кўплаб кириб қолса, улар заҳарланиб нобуд бўлади. Заҳарланган молларнинг гўштини ва сутини истеъмол қилган одамлар ҳам зарарланади. Олтингутурт, фтор, молибден, мишъяк ана шундай заҳарли моддалар ҳисобланади. Мис эритиш заводи атрофида боқилган қорамол подаси деярли нобуд бўлган. Ифлосланган ҳаводаги мишъяк таъсирида асаларилар қирилиб кетган. Саноат корхоналаридан ҳавода учиб юрувчи кул зарралари ўсимликларнинг яшил қисмига ёпишиб, барглар юзасидаги ёриқ-тешникларни беркитиб, уларнинг ёруғлик энергиясини ўзлаштиришини сусайтиради. Ҳаво сульфит ангидрид билан ифлосланганида қарагайдаги фотосинтез ҳодисаси икки баробарга камаяди. Саноатдан чиқадиган газлардан ўсимликлар учун энг ҳавфлиси сульфид ангидрид, фтор ва унинг бирикмалари, цемент заводидан чиқадиган водород фторид ва ҳар хил чанг, газлар ҳам ўсимликларга салбий таъсир этади. Атмосферадаги сулфит ангидриднинг озмиқдори узоқ вақт таъсир қилиб турса, улар ўсишдан тўхтайди, барглари тўклилади, дараҳтлар «ялонгочланиб», куриб қолади. Чанг баргларнинг сиртини қоплаб олиб, карбонат ангидриднинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишини қийинлаштиради. Чанг ва заҳарли газлар билан ифлосланган ҳаво ўсимликларнинг ўсишига салбий таъсир

<sup>1</sup> Как менялся климат на Земле за последние 800 тысяч лет. <https://www.svoboda.org/a/473123.html>

күрсатади. Атмосферадаги ифлосликлар үсимликларга турлича таъсир күрсатади: йүнгичқа, пахта, бұғдой, карамлар – олтингутурт газига, пиёз, гладиолус, қора қарагай – фторга, узум, цитрус мевалар, тамаки – озонга жуда сезгир. Үсимликларнинг бу хусусиятидан, ҳавонинг ифлосланиш даражасини күрсатувчи индикатор сифатида фойдаланиш мүмкін: қайрагочлар – ҳавонинг ифлосликларында чидамли ҳисобланади.

## ДАЛИЛЛАР ВА ФАКТЛАР<sup>1</sup>

- Сүнгти 100 йилда сайёрамизда ҳаво ҳарорати 1,4° С га күтариленген.
- Ер шаридаги чучук сув манбаи бұлган музликлар бугунги кунда 30% га ериген.
- Ҳозирда дунё бүйіча 40% ерлар тупроқ эрозияси оқибатида деградацияга учраган.
- Тупроқ унумдорлығи пасайиб, ҳосилдорлик 50 фоизга камайған.
- 2050 йилга бориб маккажұхори, гуруч ва бугдой етиштириш ҳажми 25 фоизга қисқарыши башпорат қылымоқда.
- БМТ маълумотларында қараганда, яқин йилларда инсоният бугунги кунда фойдаланаёттан ерларининг түртдан уч қисмини ійүқотиши мүмкін.
- Сүнгти 100 йилда сув истеъмоли 7 фоизга ошиб, ҳар бир инсон учун ажратилиши мүмкін бұлган сув ҳажми 60 фоизга қисқарған.
- Кейинги 25 йил ичидә сув захиралари яна 2 маротабага камайипши күтилмоқда. Амазонка, Миссисипи, Дунай, Волга, Днепр, Сирдарё ва Амударё каби дәрәларнинг экотизими аяңчли ахволада. Мутахассисларнинг фикрига күра, уларни тозалашға йилига тахминан 60 млрд. доллар миқдорида маблаг сарфланиши лозим.

## МОДУЛЬ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ НАМУНАЛАРИ

(Модуль тақдимотлари Ўзбекистон Республикаси  
«Сувчи» жамоат бирлашмаси томонидан тайёрланган)

### Об-ҳаво ўзгариши сценарийси


Ўзбекистонда кутпилаётган хароратнинг  
ўзгариши ( $^{\circ}\text{C}$ )

Сценарийлар бўйича	A2	B2
➤ 2030 йилгача	1,0-1,5	1,6-1,8
➤ 2050 йилгача	2,0-2,6	2,3-2,6
➤ 2080 йилгача	3,9-4,5	3,2-3,6

#### Глобал иклим ўзгариши оқибатлари

Кейинги йилларда ер юзинининг глобал ислиши ва иклим ўзгариши натижасида музликлар эриб, эриган музликларнинг ўрни тўлмасдан камайиши кузатила бошланди. Масалан, дунёдаги энг катта музликлардан бири бўлган Тожикистон Республикасидан Федченко (узунлиги – 77 км, эни – 24 км ва чукурлиги 10 км) музлиги 1933–1976 йиллар оралигига узунлиги 1400 м га, 1976–2006 йиллар оралигига 700 м га кискариши ва чукурлиги ўтгача 50 га ҳамда юзаси 38% га камайани кузатилиди.


#### Музликларнинг чекиниши



4-расм. Иклим ўзгариши натижасини Федченко музлиги  
(Тожикистон) ўлчамлари ва ҳажмининг қискариб бориши

### Глобал иқлим ўзгариши оқибатлари

Иқлим ўзгариши Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг сув ресурсларига кучли таъсир ўтказади. Одатда иқлим ўзгариши билан температуранинг кўтарилиши сабабли, дарёларнинг сувлари кўпайиши лозим. Аммо ҳисобларга кўра 2050 йилга бориб Амударё ҳавзаси оқимининг ҳахми  $10\pm15\%$  га, Сирдарё ҳавзаси оқимининг ҳахми эса 6-10% га қискарап экан. Иқлимининг исиб бориши билан барча юзаларда (ер-сув, үсимликлар ва бошқалар) кучли булганиши юз беради. Кишлек хўжалик экинларининг сувга бўлган талаби ошиб боради (9-расм) сугоришлар сони кўпаяди. Иқлим ўзгаришини ҳисобга олиб, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ҳамда фуқароларни сув ресурсларининг камайиб боришига мослаштириш лозим.



9-расм. Экинларнинг сув истеъмол килиш погонали графиги

### ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ КАМАЙИШИГА АҲОЛИНИ МОСЛАШТИРИШ

Иқлим ўзгариши билан мангу музликлар заҳирасининг камайиб бориши, аҳоли сонининг ўсиши ҳамда уларни тоза ичимлик суви, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда иш билан таъминлаш заруриги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга кўп миқдорда сув ажратишига ва мажбурлигимиз, шунингдек, атроф-мухит флора ва фаунасининг ўзгариши ҳам бошқа турли сабаблар бизни, яъни мамлакатдаги барча сув истеъмолчиларини сувдан самарали фойдаланишга, уни асраб-авайлашга, сув тақчиллиги сабаб юзага келадиган шароитга мослашишга ундаиди. Бу борада Республикамизда зарур меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилиб, мальум ишлар бошланди ҳам.

Марказий Осиё умумий уйимиз бўлганлиги сабабли, сув тақчиллигига мослашишни Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатларда биргаликда олиб бориш зарур. Сув тақчиллиги шароитида атроф-мухитни тоза саклаш ва барча сув истеъмолчиларининг сувга бўлган талабини кондириш учун қўйидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

- атроф-мухит муҳофазаси ва сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича минтақавий қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатларда сув ресурсларидан хўжасизларча фойдаланган ва атроф-мухитга заарар етказганларга нисбатан қатъи чоралар кўрувчи (хаттоқи жиноий жавобгарликка тортувчи) умумий қонунлар ишлаб чиқиш;
- аҳолини сув тақчиллиги шароитида атрофни-мухитни тоза саклаш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ўргатиш – мослаштириш.

## КЕЙС СТАДИ

### ♦ 1-ТОПШИРИҚ

Карбонат ангидриднинг ҳаво таркибида ошиши, чиқинди газларнинг ҳавога мөъридан ортиқ чиқариб ташланиши оқибатида иссиқхона эффекти ҳосил бўлиб, бутунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиiddий экологик муаммо – глобал иқлим ўзгариши юзага келди.

Афсуски, бошқа экологик муаммолардан фарқли ӯлароқ глобал иқлим ўзгариши Ер юзи аҳолисини кам ташвишга солаяпти. Нега?

**Сабабларини ўз журналистик материалингизда очиб беринг.**

### ♦ 2-ТОПШИРИҚ

Иқлим ўзгариши муаммоси Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар қаторида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- сув ресурслари тақчиллигининг кучайиши;
- ўртача ҳароратнинг ошиши;
- ёзингарчиликларнинг хотекис тақсимланиши – ёзингарчиликларсиз қургоқчилик узоқ давом этиши ва бир мартада кўп миқдорда ёзингарчиликлар бўлиши;
- қишлоқ хўжалигида етиштириш учун мақбул экинлар таркибининг бутунлай ўзгариши;
- ҳарорат кўтарилиши натижасида аҳоли саломатлиги билан бодлиқ муаммолар кўпайиши;
- ўсимликлар ва ҳайвонларнинг аксарият турлари яшайдиган ареалларнинг қайта тақсимланиши, демак, экологик жараёнлар, бериладиган маҳсулотлар ва бажариладиган функциялар тубдан ўзгариши;
- саҳролашиш жараёнларининг кучайиши, демак, яшаш ва хўжалик юритиш мумкин бўлган ерларнинг камайиши;
- иқтисодиёт секторларининг тўлиқ қайта тақсимланиши ва бoshкалар.

**Мазкур маълумотларга асосланиб таҳлилий жаңрда журналистик материал тайёрланг.**

### ♦ 3-ТОПШИРИҚ

«Сув бўйича глобал ҳамкорлик» (СГХ) ташкилоти қўплаб ҳалқаро манбаларнинг яқинлашиб келаётган сув инқирози ҳақидаги тахминларини қўйидаги омиллар асосида умумлаштиргди:

- ҳар бир инсон бир йилда ўртача 58 кг гуруч истеъмол қиласи;
- шолининг янги навларини чиқараётган селекционер олимлар сув сарфини 50 фоизга камайтириши назарда тутмоқда;
- одамлар жаҳондаги умумий сув захираларининг 0,4 фоизидангина фойдаланиши имкониятига эга;
- бир буханка (400 грамм) нонга кетадиган унни етиштириш учун 550 литр сув керак;
- ривожланаётган мамлакатларда 100 грамм мол гўшти ишлаб чиқариш учун ўртача 1500 литр сув ишлатилиди;
- бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатдаги 2 миллиардан зиёд одам сув танқислигини сезмоқда;
- икки ёки ундан ортиқ мамлакатга тегишли ер ости сувларидан фойдаланилаётган 263 дарё ҳавзаси мавжуд.

**Мазкур маълумотларга асосланиб муаммоли мақола тайёрланг.**

---

## 3-МОДУЛЬ

### *Мавзу: ВИРТУАЛ СУВ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ*

**Модулнинг мақсади.** Виртуал сув тушунчаси, виртуал сувнинг бугунги кунда сувни тежаш, иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти, виртуал сув сарфини камайтириш йўлларини семинар-тренинг қатнашчиларга визуал усуллар орқали тушунтириб бериш.

**Тарбиявий мақсади.** Виртуал сув тушунчаси, виртуал сувни тежа-маслик натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ҳақида журналистлар, экологлар, аҳолининг хабардорлигини ошириш.

**Керакли жиҳозлар.** Виртуал сув сарфи бўйича инфографика, проектор, интернет тизимига уланган ноутбук, иқлим ўзгаришини тасвирловчи фотосуратлар, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қоғоз скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушучалар:** виртуал сув, форум, сув ҳажми, Ўзбекистон, чучук сув захираси.

#### ♦ Методик тавсиялар:

**A. Сўзбоши.** Виртуал сув тушунчаси, сувнинг ишлаб чиқариш ва инсон ҳаётидаги ўрни, кундалик сув сарфи, ишлаб чиқаришдаги сув сарфи, сувни тежаш усуллари, Ўзбекистонда виртуал сув тушунчаси борасида аҳоли хабардорлигини ошириш зарурлиги қатнашчиларга «Ақлий ҳужум», баҳс-мунозара, тақдимот шаклида тушунтириб берилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг сув тушунчаси, сув тақчиллиги ва сувдан фойдаланиш масалалари борасидаги билимлари ва амалий кўникмаларини қўллаш, мазкур модуль мазмунини қатнашчиларга етказища муаммонинг долзарблик даражасини аниқлаш карталидан фойдаланиш лозим.

#### Муаммо долзарблигини аниқлаш картаси

Экологик муаммолар	Зудлик билан ечилиши зарур	Долзарб	Унчалик долзарб эмас	Долзарб эмас
Сув тақчиллиги				
Глобал иқлим исиши				

<b>Виртуал сув сарфанинг ортиши</b>				
<b>Биохилмачилликнинг йўқолиши</b>				
<b>Ўрмонларнинг кесилиши</b>				
<b>Чўлланиши</b>				
<b>Чиқиндиларнинг қўпайиши</b>				
<b>Дунё океанинг ифлосланиши</b>				
<b>Атмосферанинг ифлосланиши</b>				
<b>Озон қатламининг смирилиши</b>				
<b>Тупроқ деградацияси</b>				
<b>Экологик маданиятнинг стишаслиги</b>				

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчиларига виртуал сувнинг кўп ва тежамсиз сарфланиши оқибатларини тушунтириш. 2003 йил учинчи Бутунжаҳон сув форумида кўтарилиган масалаларни муҳокама қилиш. Виртуал сув экспорти сув танқис бўлган мамлакатларда уни тежаш имконини, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берниши, виртуал сув сув борасидаги зиддиятларнинг олдини олиб, уларни бартараф этиши, виртуал сувни қисқартириш, яъни сувни тежаш, қургоқчиликка мослашган экинларни экипи, ишлаб чиқарища камроқ сув ишлатиш, иккиламчи ва учламчи сувлардан фойдаланишини кенг йўлга қўйиши дунёдаги мавжуд ичимлик сувини тежаш имконини беришини тушунтириш.

**B. Хуроса.** Виртуал сув биз ҳар куни истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун кетган сувнинг ҳажмиdir. Масалан, бир килограмм буғдой етиштириш учун (лалми бўлмаган) 1000 литрга яқин сув сарфланади. Яъни мазкур бир килограмм буғдой учун виртуал сув 1000 литрга тенгdir. Бир килограмм гўшт учун эса 1,5 млн. литрга яқин сув сарфланади. Бошқача айтганда, биз

истеъмол қилаётган гүштнинг нархи 1,5 млн. литр виртуал сувнинг нархига teng. Бир филжон қаҳвада ўртача 140 литр виртуал сув, бир бокал шарбатда – 200 литр, пахта толасидан тайёрланган бир метр матода – 2500 литр, жинсида – 10 800 литр, енгил автоуловда – 378 500 литргача виртуал сув мавжуд. Виртуал сувнинг миқдори нафақат маҳсулот, балки уни ишлаб чиқарадиган мамлакатга боғлиқ. Бир кило-грамм пишлөқ тайёрлашга Италияда 4,2 минг литрга, Ўзбекистонда эса 6,7 минг литрга яқин сув кетади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, битта одамнинг виртуал сувни истеъмол қилиш ҳажмини бир кунда  $1\text{ m}^3$  яшаб қолиш учун,  $2,6\text{ m}^3$  ва ундан кўпроғи эса кўп гүшт истеъмол қиласиданлар учун ташкил этиши ҳақида семинар-тренинг қатнашчиларига тушунча бериш. Айтиш жоизки, глобал даражада виртуал сувни сотиш геосиёсий аҳамиятга эгадир. У мамлакатларни бир бирига боғлайди. У ҳамкорлик ва тинчлик асоси ёхуд турли хил зиддиятлар манбаси бўлиши ҳам мумкин. Виртуал сув тушунчасини очиб беришда виртуал сув оқими, виртуал сувнинг импорти ва экспорти, виртуал сув савдоси каби тушунчалар қўлланилади.

*Г. Мавзу бўйича кичик гуруҳларда ишиш.* Қатнашчилар гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳга виртуал сувнинг сарфи бўйича вазиятлар ҳамда муаммони кўрсатишда вазиятни саҳналаштириш ва муаммо ечимини топиш вазифаси берилади.

*Д. Тавсиялар.* Виртуал сув тушунчаси ва унинг сарфи борасида журналистик материаллар тайёрлаш ва шу орқали кенг жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш лозим.

## МОДУЛЬ БҮЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

### Виртуал сувга оид фактлар<sup>1</sup>

- Чучук сув захирасининг 70–90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда экинларни етиштириш учун ишлатилади;
- Кундалик эҳтиёжни қондириш учун аҳоли жон бошига кунига 50 литр сув керак (Дублин тамойиллари, 1992);
- 1 кг. гуруч етиштириш учун 3000 л сув зарур;
- Битта буханка (400 грамм) нонга кетадиган унни етиштириш учун 550 л сув керак;
- Бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатдаги 2 миллиарддан ортиқ одам сув танқислигини сезмоқда;
- Ривожланган мамлакатларда 100 грамм мол гүшти ишлаб чиқариш учун ўртacha 1500 л сув ишлатилади;
- Икки ёки ундан ортиқ мамлакатта тегишили ер ости сувларидан тежамсиз фойдаланилаётган 263 дарё ҳавзаси мавжуд;
- Сувнинг исроф қилиниши сабабли Ҳиндистондаги 25 фоиз ҳосилнинг тақдиди доим хавф остида туради.

### Виртуал сув

- Виртуал сув биз ҳар куни истеъмол қилаётган озиқовкат маҳсулотларини етиштириш учун кетган сувнинг ҳажмидир
  - ◆ Бир килограмм бутдой(лалми бўлмаган) етиштириш учун 1000 литрга яқин сув сарфланади. Яъни мазкур бир килограмм бутдой учун виртуал сув 1000 литрга тенгdir. Бир килограмм гўшт учун эса 1,5 млн. литрга яқин сув сарфланади

<sup>1</sup> Сколько воды потребляет сельское хозяйство? <https://otxody.by>

## Статистика

- Битта одамнинг виртуал сув истеъмол қилиш ҳажми бир кунда  $1\text{ m}^3$  яшаб қолиш учун,  $2,6\text{ m}^3$  ва ундан кўпроғи эса кўп гўшт истеъмол қиласидиганлар учун ташкил этади.
- Сув танқис мамлакатлар маҳсулотлар, товарларни харид қилишганида, уларни ишлаб чиқарган мамлакатдан харид қилинган мамлакатга виртуал сув ўтади. Бу эса мамлакатдаги сув ресурсларини тежаш имконини беради.

## Марказий Осиё минтақавий экологик маркази (МОМЭМ)

- Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда ҳам ўз ваколатхонасига эга бўлган Марказий Осиё минтақавий экологик маркази (МОМЭМ) мазкур йўналишда бир неча йишлилар давомида қатор анкуманлар ўтказди, ушбу соҳада дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасини ўрганди ва бугунги кунда ҳам 48 млн. евро қийматта эга бўлган 230 дан ортиқ ҳудудда сувни тежаш ва самарали фойдаланиш, иқдим ўзгариши, сув таша бобустарини қўлла б қувватлаш, барқарор ривожланиш учун таълим каби дастурларни амалга ошироқда.

## КЕЙС СТАДИ

### ♦ 1-ТОПШИРИҚ

- Виртуал сув экспорти сув танқис бўлган мамлакатларда уни тежаш имконини берадими?
- Виртуал сув озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берадими?
- Виртуал сув сув билан боғлиқ зиддиятларнинг олдини олиб, уларни бартараф этадими?
- Виртуал сувни қисқартириш, яъни сувни тежаш, қургоқчиликка мослашган экинларни экиш, ишлаб чиқаришда камроқ сув ишлатиш, иккиласмчи ва учламчи сувлардан фойдаланишини кенг йўлга қўйиш дунёдаги мавжуд ичимлик сувини тежашига ёрдам берадими?
- Виртуал сув ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш зарурми?

**Мазкур саволларга жавоб берган ҳолда таҳлилий материал тайёрланаш.**

### ♦ 2-ТОПШИРИҚ

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда ҳам ўз ваколатхонасига эга бўлган Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази (МОМЭМ) мазкур йўналишида бир неча йиллар давомида қатор анжуманлар ўтказди. Ушбу соҳада дунёнинг илгор мамлакатлари тажрибасини ўрганди ва буғунги кунда ҳам 230 дан ортиқ ҳудудда сувни тежаш ва самарали фойдаланиш, иқлим ўзгариши, сув ташабbusларини қўллаб-кувватлаш, барқарор ривожланиш учун таълим каби 48 млн. евро қийматга эга бўлган дастурларни амалга оширмоқда.

**Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази (МОМЭМ) фаолиятини ўрганинг. Унинг буғунги кунда амалга ошираётган лойиҳаларини таҳлил қилинг.**

## 4-МОДУЛЬ

### **Мавзу: СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ: ҲУҶАЛИГИ АСОС**

**Модулнинг мақсади.** Ўзбекистонда сувдан фойдаланишинг тарихи, Сув хўжалиги вазирлиги тугатилиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан бирлаштирилганлиги, ушбу қарордан кейин сув хўжалиги соҳасида парчаланиш бошланганлиги, кўплаб мелиораторлар ипсиз бўлиб қолганлиги, сув захираларини давлат даражасида бошқаришининг гидрографик тамойилига асос солган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги, мустақиллик йилларида Сув хўжалиги бош бошқармаси сув захиралари ва сув хўжалигининг қолган имкониятларига тўлиқ эгалик қилгани ҳолда, анча қисқартирилган молиявий ресурслар ҳамда давлатлараро сув тақсимотининг янги шартларига мослашишга мажбур бўлганлиги ва янги қабул қилинган ҳужжатлар тушунтириб берилади.

**Тарбиявий мақсади.** Сувдан фойдаланиш борасида қабул қилинган Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари, қонуности ҳужжатлари ҳақида журналистлар, экологлар ва аҳолининг хабардорлигини ошириш.

**Керакли жиҳозлар.** Проектор, интернет тизимига уланган ноутбук, сувдан фойдаланишга оид фотосуратлар, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қоғоз скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар.** Сув, сувдан фойдаланиш, қонун, қарор, Сув хўжалиги вазирлиги.

#### **◆ Методик тавсиялар:**

**A. Сўзбоши.** «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қонуности ҳужжатлари, бу ўйналишдаги Президент Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг асосий мазмуни очиб берилади ва «Ақлий ҳужум», баҳс-муонозара, тақдимот шаклида тушунтирилади. Бу ўринда семинар қатнашчilarининг дунёдаги ва Марказий Осиёдаги экологик муаммолар, хусусан сувдан фойдаланиш масалалари борасидаги билимлари ва амалий кўнилмаларини кўллаш лозим.

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчilarига сув танқислиги асосан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан юртимизда сезилаётгани, шу сабабли айнан оби-ҳаёт билан bogлиқ қонунчилик албатта такомил-

лашган бўлиши, унда нафақат миллий даражадаги муаммоловар, балки қўйидаги глобал, ҳудудий масалалар ҳам ўз аксини топмоги зарурлиги тушунтирилади:

- табиий-икълим ўзгаришлари (экологик омил);
- ер ва сувнинг атроф мұхит компоненти сифатидаги роли (экологик-географик ва иқтисодий омил);
- мазкур объектлардан қатъий халқаро босим остидаги бозор мұносабатлари шароитида фойдаланиш (ижтимоий-икътисодий омил);
- жаҳон инқирози сабоқлари (молиявий омил) ва ҳоказо.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тұғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мұхим аҳамият қасб этиб, унда сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш, лимит бўйича сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилишининг белгиланган тартибиға риоя этган ҳолда сувдан умумий ва маҳсус фойдаланиш ёки сувни умумий ва маҳсус истеъмол қилиш тартибини баён этилган.

**B. Ҳулоса.** 2018 йилда ташкил этилган янги Сув хўжалиги вазирлигига ўтган 20 йиллик даврдан мерос сифатида ўта мураккаб муаммоловар мажмуи қолди. Улар магистрал ва хўжаликлараро канал ҳамда иншоотларни бошқаришининг бекарорлиги, суфориш ва дренаж тизимларининг техник даражаси пасайиб кетиши, собиқ ички тармоқнинг ачинарли ҳолатта тушиб қолганида намоён бўлди. Ана шундай шароитда имконият очиб берувчи ягона ижобий омил – Президент Шавкат Мирзиёевнинг янгича ички ва ташқи сиёсати, шу жумладан, қўшни мамлакатлар билан мұносабатларда мавжуд бўлган муаммоловарни бартараф этишга қаратилган ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақанинг сув захираларидан оқилона фойдаланиш устида биргаликда ишлашга интилишидир.

#### **G. Тавсиялар.**

- сувдан фойдаланиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш;
- сувдан фойдаланганлик учун тұлов тұлашнинг иқтисодий механизмини жорий этиш;
- марказлашган сув узатишини базавий молиялаштириш тартибини сақлааб қолиши;
- сувдан фойдаланиш борасидаги қонунчиликни журналистик материаллар асосида кенг жамоатчиликка тушунтириш.

## МОДУЛЬ БҮЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

### ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун зарур иқтисодий ва ташкилий-хукуқий асослар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бозор муносабатлари механизмларини жорий қилишда фермер хўжаликлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги тармогининг жадал ривожланиши, ўз навбатида, сув ресурслари истеъмолининг ортиб боришига олиб келади, ушбу ҳолат юзага келаётган чақирув ва хатарларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилмаган тақдирда, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаруви соҳасида узоқ вақт давомида ҳал этилмасдан келаётган тизимли муаммоларнинг мавжудлиги мазкур ҳолатни янада кучайтирмоқда, жумладан:

**биринчидан**, озиқ-овқат хавфсизлигини ваколатли органлар ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмисиз тарқоқ ҳолда режалаштириш ва таъминлаш қабул қилинаётган қарорлар ҳамда аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келмоқда;

**иккинчидан**, қишлоқ ва сув хўжалигига узоқ муддатли пухта сиёсатнинг шакллантирилмаганлиги сабабли мазкур соҳаларни янада ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари белгиланмаган;

**учинчидан**, юзага келаётган муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилишда ваколатли органларнинг самарали мувофиқлаштирувчи роли ва ташаббускорлиги мавжуд эмас;

**тўртичидан**, масъул идоралар томонидан ҳаққоний ахборотни йигищ, таҳдил қилиши ва алмашиш механизмининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли ўзларига юқлатилган вазифалар самарасиз амалга оширилмоқда;

**бешинчидан**, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда сув истеъмоли соҳаларида мустақил назорат мавжуд эмас, бунинг натижасида тармоқларни модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш ишларига етарлича эътибор қаратилмаяпти, инновацион технологиялар ва ишланмаларни жорий қилиш даражаси пастлигича қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳала-

рида ҳақиқий ҳолатни ва ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш асосида уларни стратегик режалаштириш сиёсати бўйича таъсирчан ишларни йўлга кўйиш, мазкур йўналишлар бўйича бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурӣ ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ;

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5330-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация қилишга, қишлоқ хўжалигига фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илгор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиёт тармоқлари экспорт салоҳиятини ошириш, бозор конъюнктураси юзасидан чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий инвестициялар ва бегараз техник қўмак маблагларини (грантлар) жалб қилиши;

аҳолини йил давомида ва узлуксиз равишда барқарор нархларда таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, давлат-хусусий шериклиги механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рагбатлантиришни таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини ошириш, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор даражасини сақлаб қолишга

йўналтирилган комплекс мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиши;

таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли асосда узвий интеграциялашни, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

**3. Қўйидагилар** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

— сув ресурсларини бошқарини соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиши соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

— ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолиятни таъминлаш, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим обьектлари муҳофаза қилинишини ташкил этиши;

— сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиши учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари масъулиятини ошириш, уларнинг сувдан фойдаланиши маданиятини юксалтириш;

— сув хўжалиги соҳасида фан ва техника ютуқлари, замонавий сув тежовчи технологиялар, илгор тажрибалар, сув хўжалигини ва сувдан фойдаланишини бошқарини тизимида инновацион услубларни жорий қилиш;

— сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тизмини ташкил этиши, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўргасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ютуқларини амалиётта жорий этиши чораларини кўриш;

— трансчегаравий сув ресурсларини бошқарини ва улардан фойдаланиши бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблагларини (грантлар) жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиши.

#### **4. Қўйидагилар:**

агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати, мазкур соҳада қонун хўжжатлари ҳамда меъёрий хўжжатлар талаблари ижороси устидан назоратни амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон

Республикаси Бонн прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуй ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади);

2018 йил 1 июлдан Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши бўйича марказ негизида лойиҳалар, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш учун масъул бўлган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини муво-фикаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига кирувчи Агросаноат мажмуй ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик) ташкил этилсин.

Агентлик Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши бўйича марказнинг ҳукуқлари, мажбурият ва шартномалари бўйича ҳукуқий вориси ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

**5. 2018 йил 1 августдан қўйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси;

Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси;

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси;

«Ўзсувизорат» республика сув инспекцияси;

«Ўздавуругнозоратмарказ» қишлоқ хўжалиги экинлари уругини сертификациялари ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тутагилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тутатилаётган идора ва муассасалар ходимлари бандлигини таъминлашга кўмаклашсин.

**6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инспекция билан биргаликда икки ой муддатда Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекциясининг вазифа ҳамда функцияларини қайта тақсимлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.**

**7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўздонмаҳсулот» АКнинг:**

Ғўза ургучилиги республика маркази ва Бопюкли дон экинлари ургучилиги республика маркази негизида, ургулар, шу жумладан, пахта ва бошоқли дон экинлари ургуларини тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланишининг ягона ва замонавий тизимини шакллантириш учун

масъул бўлган Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказини ташкил этиш;

уруглик тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларда уруғлик олиш мақсадида этиштирилган пахта ва бошоқли дон экинлари ни кейинчалик алоҳида сақлаш шарти билан қайта ишлаш тартибини жорий қилиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўздонмаҳсулот» АК билан биргаликда икки ой муддатда уруғлик тайёрлаш бўйича алоҳида ташкилотларнинг, цех ва омборларнинг пахта ҳамда бошоқли дон экинлари уруғлари учун ихтисослаштирилишини, шунингдек, уларни босқичма-босқич Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

Инспекция пахта ва бошоқли дон экинлари уруғлгининг буюртмаси, тайёрланиши, алоҳида қайта ишланиши ва сақланиши бўйича талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин.

**8.** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасалари берилган ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилсин.

Марказ мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан аграр фан соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб бориши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини долзарб йўналишлар бўйича янги гоя ва ишламаларни кўриб чиқиши заруратини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг моддий-техника базасини ривожлантириш, инновация технологияларини жорий қилиш ва ходимларни рагбатлантириш жамгармаси негизида:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамгармаси;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув хўжалигини ривожлантириш жамгармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташкил қилинаётган жамгармалар фаолиятини ташкил этиш тартиби-ни тасдиқласин.

**10.** Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимида янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш бўйича Комиссия иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия (З.Т. Мирзаев):

тутатилаётган идора ва муассасаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг мол-мулки ва пул маблагларини оқилона тақсимлаш мақсадида уларни хатловдан ўтказишни;

мазкур Фармонга мувофиқ идора ва муассасаларни тутатиш, шунингдек, янгидан ташкил этилаётган тузилмаларнинг моддий-техника базасини яратиш, улар ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан, шу жумладан, тутатилаётган идора ва муассасаларнинг бинолари ва моддий-техника базасини бериш орқали жиҳозлашга доир тадбирларни ташкил қилишини;

янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасаларни, уларнинг худудий бўлинмаларини жойлаштириши, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этиш билан бўғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишини;

янгидан ташкил этилаётган идораларни малакали кадрлар билан, шу жумладан, тутатилаётган идоралар ва муассасалар ходимлари ҳисобидан тўлдиришини белтиланган тартибда таъминласин.

**11.** Мазкур Фармонда назарда тутилган идора ва муассасаларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тутатилаётган идоралар ва муассасалар штат бирликларини мақбуллаштириши ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

**12.** Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш бўйича Комиссия бир ой муддатда янгидан тузилаётган идоралар ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг асосий вазифа, функция ва фаолият йўналишларини белгилаб бериш бўйича қарорлар лойиҳалари киритилишини таъминласин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва кўпшымчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**14.** Мазкур Фармоннинг изжросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри, 2018 йил 17 апрель

## КЕЙС СТАДИ

### ♦ 1-ТОПШИРИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги Қарорида қишлоқ жойларда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, янги ичимлик суви билан таъминлаш иншотлари ва канализация тизимини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминотига янги ахборот технологияларни жорий этиш, ичимлик суви ишлаб чиқариш жараёнлари самардорлигини ошириш назарда тутилган. Мазкур қарорни таҳлил қилиб, ўз вилоятингизда унинг ижроси қай тарзда таъминланадиганини журналистик материалда кўрсатиб беринг.

### ♦ 2-ТОПШИРИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелда қабул қилинган Фармонида кўрсатилган қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаруви соҳасида узоқ вақт давомида ҳал этилмасдан келётган тизимли муаммоларни таҳлил этиб, журналистик материал орқали уларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатинг, бунда қуйидаги муаммоларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

- биринчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини ваколатли органлар ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмисиз тарқоқ ҳолда режалаштириш ва таъминлаш қабул қилинаётган қарорлар ҳамда аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келмоқда;
- иккинчидан, қишлоқ ва сув хўжалигидаги узоқ муддатли пухта сиёсатнинг шакллантирилмаганлиги сабабли мазкур соҳаларни янада ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари белгиланмаган;
- учинчидан, юзага келаётган муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилишда ваколатли органларнинг самарали мувофиқлаштирувчи роли ва ташаббускорлиги мавжуд эмас;
- тўртинчидан, масъул идоралар томонидан ҳаққоний ахборотни йигиш, таҳлил қилиш ва алмашиш механизмининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли ўзларига юклатилган вазифалар самарасиз амалга оширилмоқда;
- бешинчидан, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда сув истеъмоли соҳаларида мустақил назорат мавжуд эмас, бу-

нинг натижасида тармоқларни модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш ишларига етарлича эътибор қаратилмаяпти, инновацион технологиялар ва ишланмаларни жорий қилиш даражаси пастлигича қолмоқда.

## МАВЗУ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ НАМУНАЛАРИ

### Тарих

- Сув бўйича қонун қабул қилиш илк маротаба XX асрнинг 20-йиларида амалга оширилиб, Сув-мелиоратив кодекси (БССР, 1928), Ўзбекистон ва Туркманистон ССР нинг «Ер-сув кодекс»лари (1929) қабул қилинди.
- Улар асосан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланишни тартибга солган.

## Ўзбекистонда сув қонунчилиги асоси

- Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» Конуни;
- ЎзР Президентининг 24.03.2003 даги «Қишлоқ хўжалигида испоҳотларни чуқурлаштириш нанг энг мухим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони;
- Вазирлар Маҳкамасининг 21.07.2003 даги «Сув кўжалигини бошқаришни ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори;
- Вазирлар Маҳкамаси томонидан 07.04.1992 да таёдикланган «Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг; дарё ва магистрал канал, коллекторлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида даволаш ва маданий соғломлаштиришга қаратилган ичимлик суви ва маший сув билан таъминлаш тўғрисида»ги Низом,
- Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993 йил 3 августда таёдикланган «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланишини лимитлаш тўғрисида»ги ваклинчалик тартиб.

## Қарорлар

- ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 03.02.2015 йилдаги 19-сонли «Аҳоли пунктларида давлат капитал қўйилмалари хисобига ичимлик сув таъминотини ва оқава сув хизматини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш самарадорли гини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;
- Вазирлар Маҳкамасининг 30.11.2012 йилдаги 337-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2013—2015 йилларга мўлжалланган сув таъминоти ва канализация тизимини комплекс тарзда янада ривожлантириш ва модернизация килиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори;
- ЎзР Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (17 апрель 2018 йил);

---

---

## 5-МОДУЛЬ

### **Мавзу: СУВ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

**Модулнинг мақсади.** 1992 йилда Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳукуқли аъзоси бўлди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидағи қатор дастурлар ва ихтисослашган муассасалар, шу жумладан БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврОИХ), «Марказий Осиё ҳамкорлик» ташкилоти (МОХТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо. Минтақада сув ресурсларидан фойдаланиши мувофиқлаштириш борасида Ўзбекистон йирик минтақавий тузилмалар – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) ва Марказий Осиё Минтақавий иқтисодий ҳамкорлигига аъзо. Ўзбекистон Республикаси 2002 йил февралдан Сув бўйича глобал ҳамкорлик (СГХ) аъзоси. Марказий Осиё ва Кавказортининг Сув бўйича минтақавий ҳамкорлиги (CACENA) сувни бошқариш ва ундан фойдаланишга алоқадор ташкилотлар (давлат департаментлари, маҳаллий ва минтақавий ташкилотлар, профессионал ўюшмалар, илмий-тадқиқот институтлари хусусий тармоқ ва ННТлар)ни ўзаро тажриба ўрганиш, ахборот алмашиш ва салоҳиятни ривожлантириш мақсади асосида бирлаштирганилиги, бугунги кунда мамлакатда сувни тежаш ва ундан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган халқаро лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини семинар-тренинг қатнашчиларига тушунтириб берилади.

**Тарбиявий мақсади.** Ўзбекистоннинг сув борасидаги ҳамкорлик масалаларини тушунтиришдан иборат.

**Керакли жиҳозлар.** Проектор, интернет тизимида уланган ноутбук, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қозог скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар:** БМТ, Европа Иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси, Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази.

◆ **Методик тавсиялар:**

**A. Сўзбоши.** Ўзбекистоннинг сувдан фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорлиги ва уни ёритиш заруратининг асосий мазмуни очиб, «Ақлий

хужум», баҳс-мунозара, тақдимот шаклида тушунтириб берилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг дунёдаги ва Марказий Осиёдаги экологик муаммолар, хусусан сувдан фойдаланиш масалалари борасидаги билимлари ва журналистик материаллар тайёрлаш бўйича амалий кўнкималарини кўллаш лозим.

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчиларига сувдан фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорлик долзарб аҳамият касб этиши, миңтақада трансчегаравий ҳавзаларда сув ресурсларини бошқариш билан bogliq янги муаммолар пайдо бўлаётгани, улар аҳолининг ўсиши, озиқ-овқатга бўлган талабнинг кўпайиши, саноат ривожланиши, иқлим ўзгариши, музликларнинг жадал эриши ва бошқа кўплаб антропоген омиллар билан bogliqligi, трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш учун умумий ечим топилмаса Марказий Осиёдаги муаммолар янада кучайиши, Ўзбекистон миңтақавий давлатлар билан сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик механизmlарини такомиллаштириш бўйича ҳар томонлама мулоқотни амалга оширишга ҳаракат қилаётганини баён этиш.

**B. Хулоса.** Бугун Марказий Осиё катта эътибор қаратилаётган миңтақа. У Орол инқизорзи оқибатларини бартараф этишга оид вазифаларни ҳал этиш йўлларини излаш учун саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётган халқаро ҳамкорлик майдонидир. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бўён юздан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатди ва 150 дан ортиқ халқаро конвенция ва протоколни ратификация қилди. 1992 йилдан бери республика, Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДХ) аъзоси ҳисобланади. 1992 йилда Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳукуқли аъзоси бўлди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидағи қатор дастурлар ва ихтисослашган муассасалар, шу жумладан БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Европсиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕвРОИХ), «Марказий Осиё ҳамкорлик» ташкилоти (МОХТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо. Миңтақада сув ресурсларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш борасида Ўзбекистон йирик миңтақавий тузилмалар – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) ва Марказий Осиё Миңтақавий иқтисодий ҳамкорлигига аъзо. Ўзбекистон Республикаси 2002 йил февралдан Сув бўйича глобал ҳамкорлик (СГХ) аъзоси. Марказий Осиё ва Кавказортининг Сув бўйича миңтақавий ҳамкорлиги (CACENA) сувни бошқариш ва ундан фойдаланишга алоқадор ташкилотлар (давлат департаментлари, маҳаллий ва миңтақавий ташкилотлар, профессионал уюшмалар, илмий-тадқиқот институтлари хусусий тармоқ ва ННТлар)ни ўзаро таж-

риба ўрганиш, ахборот алмашинш ва салоҳиятни ривожлантириш мақсади асосида бирлаштирган. СГХ ёндашувларини жорий этиши бўйича минтақавий фаолияти, ортирилган тажриба ва сабоқлар кейинги қисмларда кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқининг Сув бўйича ташаббусида (EUWI) иштирок этади. EUWIning фаолияти Барқарор ривожланиши учун ҳаракат дастурини (WSSD) амалга ошириш борасидаги сув бўйича стратегик ҳамкорликнинг асосини таъминлайди ҳамда сув ресурслари билан боғлиқ Барқарор ривожланиши мақсадларига эришишга ҳисса қўшади. Сув бўйича халқаро ҳамкорликни батағсил тушунтириб берувчи таҳлилий материаллар мавжуд эмас. Ушбу мавзуни ёритишда журналист ахборот манбалари билан алоҳида ишлани керак.

#### *Г. Тавсиялар.*

- Мазкур мавзу бўйича журналистик материалларда қўйидаги масалалар кўтарилиши тавсия этилади:
  - Сув борасидаги халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти нимада? Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш» Дастурининг мазмуни нимадан иборат?
  - Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ)нинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги қандай амалга оширилади?
  - Марказий Осиё Минтақавий экологик марказининг Ўзбекистондаги фаолияти қандай?

МОДУЛЬ БҮЙЧА ТАРКАТМА МАТЕРИАЛЛАР

(Модуль тарқаттма материаллари Германия халқаро ҳамкорлик таисилоти (GIZ)нинг Ўзбекистондаги Европа Интифоқининг «Ўзбекистоннинг қишилоқ ҳудудларида сув десуслапни баркадор болишлари» Дастирия доитасида тайёрланган)

YEVROPA ITTIHOQINING SIV BO'YICHADA BOSATMASI



AHOLINING XABARDORLIGI

MINALMAVING SUV BILAN BOG'LIQ SARF-HARAJATLAR

İçindeki geleneklerin, kutsal yazının, dini manzılların ve tarihi anıtların korunması konusunda büyük bir empati ve saygılılık bulunmaktadır.


ANALIYUTGA TADBIQ ETILISH JARAYONING JA'DVALI

5. Y. Elokalk meraudor amoga dhinid  
Boschotun basgachung berminc daktug  
6. Y. Moshonan basgachung akunku xai tucan  
7. Y. Boschotun basgachung leucan sri fugaan  
8. Y. Inukun basgachung am na erdina

11

gezurkstanti baoarot bochdarni' dasrun!

HAWZAVIY REJALASHTIRISH



## МОДУЛЬ БҮЙИЧА ТАҚДИМОТ НАМУНАСИ

**Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ)  
республикада Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг  
қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор  
бошқариш» Дастурни**

- ▶ 1) 1-ко мөрнөн амалга оширилиб, сув ҳўжалигини ва ресурсларини муқаммал бошқаришнинг миллий доиравий концепциясини яратишга қартилган. Шу билан бирга ушбу компонент доирасида умумий миқдори 7 миллион европа тенг сув ва энергия ресурсларини тежовчи асбоб-ускуналар ва замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникалари ҳариди ҳам кўзда тутилган.
- ▶ 2) 2-ко мөрнөн амалга оширилиб, қишлоқ жойларида, айниқса қишлоқ ҳўжалигига сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича потенциални оширишга қартилган.

## КЕЙС СТАДИ

### ♦ 1-ТОПШИРИҚ

GIZ 2016 йилдан 2019 йилга қадар давом этадиган Дастурнинг «Сув ҳўжалиги ва ресурсларини бошқаришнинг миллий доиравий концепцияси» деб номланган 1-компонентини Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, Сувни бошқариш халқаро институти (ИWMI), Италияning Қишлоқ ҳўжалигига тадқиқотлар ва унинг иқтисодиёти бўйича кенгаши (СРЕА), Австрияning Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги, Германия Федерал Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Дастурнинг асосий мақсади, сув ҳўжалиги ва ресурсларини бошқаришнинг самарадорлигини миллий, ҳавза ва фермер ҳўжаликлари доираларида янада такомиллаштириш ҳисобланади. Бундан ташқари сув ва энергия тежовчи ҳамда ахборот технологиялари ва замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникаларини ҳарид қилиш каби кўмак ҳам кўзда тутилган.

## **Дастур борасида қўшимча маълумот тўплаб, таҳлилий материал концепциясии ишлаб чиқинг.**

### **♦ 2-ТОПШИРИҚ**

1992 йилда Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидағи қатор дастурлар ва ихтиносослашган муассасалар, шу жумладан БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврОИХ), «Марказий Осиё ҳамкорлик» ташкилоти (МОҲТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо. Минтақада сув ресурсларидан фойдаланишини мувофиқлаштириш борасида Ўзбекистон йирик минтақавий тузилмалар – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) ва Марказий Осиё Минтақавий иқтисодий ҳамкорлигига аъзо. Ўзбекистон Республикаси 2002 йил февралдан Сув бўйича глобал ҳамкорлик (СГХ) аъзоси. Марказий Осиё ва Кавказортининг Сув бўйича минтақавий ҳамкорлиги (САСЕНА) сувни бошқариш ва ундан фойдаланишига алоқадор ташкилотлар (давлат департаментлари, маҳаллий ва минтақавий ташкилотлар, профессионал уюшмалар, илмий-тадқиқот институтлари хусусий тармоқ ва ННТлар)ни ўзаро тажриба ўрганиш, ахборот алманиш ва салоҳиятни ривожлантириш мақсади асосида бирлаштирган. СГХ ёндашувларини жорий этиш бўйича минтақавий фаолияти, ортирилган тажриба ва сабоқлар кейинги қисмларда кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқининг Сув бўйича ташаббусида (EUWI) иштирок этади. EUWIning фаолияти Барқарор ривожланиш учун ҳаракат дастурини (WSSD) амалга ошириш борасидағи сув бўйича стратегик ҳамкорликнинг асосини таъминлайди ҳамда сув ресурслари билан баглиқ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишига ҳисса қўшади. Бу ташаббус доирасида ЕИ яқин ҳамкорликини мустаҳкамлашта интилмоқда. Бундан мақсад: сиёсий мақсад ва ҳаракатларга оид мажбуриятларни мустаҳкамлаш; сув бошқарув тузилмаларини самарали қилиш ва институционал салоҳиятни кучайтириш; мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни яхшилаш; ЕИнинг мавжуд молиявий оқимлари самарадорлигини оширишdir.

**Мазкур фактлардан фойдалаига ҳолда таҳлилий материал концепциясии ишлаб чиқинг.**

## **6-МОДУЛЬ**

### **Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ОАВДА СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ: МАЗМУН, ШАКЛ, МУАММОЛАР ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР**

**Модуллининг мақсади.** Сув тақчиллиги ва сувдан фойдаланиши муммомларини муҳокама этиш жараённида миллий журналистикада маълум бир анъаналар ҳам шаклланганинги айтиб ўтиш ўринли. Журналистик материаллар орқали бир қатор экологик тимсоллар юзага келдики, улар ижтимоий фикрнинг шаклланиши ва ривожида муҳим роль ўйнамоқда. Орол дентизи фожиаси, ичимлик суви ва қишлоқ хўжалигида экинларни сугоришида сув тақчиллиги муаммоларининг кам ёритилаётганлиги, мазкур мавзуни кенг тарғиб этишда жанрлар ва анъанавий ахборот узатиш шаклларидан фойдаланиши лозимлиги семинар-тренинг қатнашчиларига тушунтириб берилади.

**Тарбиявий мақсади.** Сувдан фойдаланиши ва сувни тежаш масалаларининг ОАВда ёритилишининг ўзига хосликлари, сув масалаларини журналистиканинг ахборот, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларида кенг ёритиш бўйича журналистлар ва шу мавзуда қалам тебратагётган ижодкорлар, мутахассислар малакасини ошириш.

**Керакли жиҳозлар.** Проектор, интернет тизимиға уланган ноутбук, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қозог скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар.** Сув, сувдан фойдаланиш, ахборот, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлар, хабар, мақола, журналистик суриштирув, тамоийлар.

#### **♦ Методик тавсиялар:**

**A. Сўзбоши.** Орол дентизи фожиаси, ичимлик суви ва қишлоқ хўжалигида экинларни сугоришида сув тақчиллиги муаммоларининг кам ёритилаётганлиги, мазкур мавзуни кенг тарғиб этишда жанрлар ва анъанавий ахборот узатиш шаклларидан фойдаланишининг асосий мазмунини очиб, «Ақлий хужум», баҳс-мунозара, тақдимот шаклида тушунтириб берилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг дунёдаги ва Марказий Осиёдаги экологик муаммолар, хусусан сувдан фойдаланиши масалалари борасидаги билимлари ва журналистик материаллар тайёрлаш борасидаги амалий кўнкимларини қўллаш лозим.

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчиларига Ўзбекистон ОАВда сув тақчиллиги ва сувдан фойдаланиши муаммоларининг акс этиши таҳлили, ушбу масалага жамоатчилик ва журналистларнинг эътибори ортганини кўрсатиши, сув мавзусига багишланган материалларнинг эълон қилинишида мунтазамлик йўқлиги, сув мавзусида ОАВда эълон қилинаётган материаллар тили ва услубини яхшилаш, бир қолишидаги ва стереотипга айланниб қолган фикрлардан қочиш, ортиқча ҳаяжондан, нотўғри фикрлардан қутилиш, статистика ва рақамлардан тўғри фойдаланиш, сув масалаларини ёритишида қўпроқ таҳлилий жанрларни қўллаш зарурати муҳим масалалардан бири эканлигини баён этиши.

**B. Хулоса.** Сувни тежаш ва ундан фойдаланиши муаммосини ёритишида журналист биринчи галда ахборотнинг тўлиқлигини баҳолаб олиши ҳамда ҳикоясининг турли жиҳатларини тўлиқ қамраб олган ҳолда баён этиши керак. У, шунингдек, материалини аудитория учун қизиқарли ва долзарб тарзда қаламга олиши, тўплаган далиллари ва ахборот манбалари ишончли эканига амин бўлиши зарур. Аммо, афсуски, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари сув муаммоси масалаларини ёритишида бўлиб ўтган давра суҳбатлари, йигилишлар ва конференциялар тафсилотлари баён этиладиган ахборот жанрлари билан чекланниб қолмоқда.

Сув муаммосини батафсил туппунтириб берувчи таҳлилий материаллар мавжуд эмас. Ушбу мавзуни ёритишида журналист ахборот манбалари билан алоҳида ишланиши керак.

### **G. Тавсиялар.**

— Мазкур мавзу бўйича журналистик материалларда қўйидаги масалалар кўтарилиши тавсия этилади:

- Сувни тежашнинг аҳамияти нимада? Мамлакатдаги трансчегаравий дарёлар Аму ва Сирдарё сув олаётган музликларнинг эриши дарёлар сувининг камайишига олиб келмаяптими?
- Дарёларимизнинг сувлари тозами? Уларни ҳимоя қилиш борасида нима ишлар қилинмоқда?
- Ўзбекистоннинг сув таъминоти сизот сувларга боғлиқми? Чўл худудлари аҳолиси сув тақчиллиги муаммосини қай йўсинда бартараф этмоқда?
- Сувдан фойдаланишида асосий йўл қўйиладиган хатолар. Виртуал сув муаммоси.
- Ёввойи табиатда сув этишмовчилиги қандай муаммоларга олиб келади? Ва ҳоказо.

## **МОДУЛЬ БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР**

### **ОАВДА СУВНИ ЁРИТИШ БЎЙИЧА МУАММОЛАР**

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари сувдан фойдаланиш муаммоларига етарлича эътибор қаратмаяпти, ушбу мавзудаги материалларнинг жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш кучи ва имкониятларидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилмаяпти.

Мавзуга доир ахборотларни тақдим этишда аксарият ҳолларда тизимлилик ва услубий тимсолийлик стиши майди. Сув мавзусида материалларнинг ўзига хослигини инобатга олиб, журналистларни тайёрлашда экологияга ихтисослашув муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Чунки бутунгги кунда базавий экологик маълумотлар ҳар қандай журналист учун ҳам зарурдир. Сувдан фойдаланиш муаммосини фақат ҳукуматнинг, ёки жамоатчиликнинг кучи билан ҳал этиб бўлмайди, тижорат тузилмалари ҳам ёлгиз ҳолда уларга ечим топишга қодир эмас. Атроф табиий муҳит ҳолатини яхшилаш учун бутун жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий диалог талаб этилади. Оммавий ахборот воситалари ана шу диалогнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Демак, экологик журналистиканинг мақсадларидан бири – ҳар томонлама ўлчовли, илмий жиҳатдан саводли материаллар орқали жамиятнинг интеграциясига, шу йўл билан сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал этишга хизмат қилишдан иборат.

Бу жараёнда журналистнинг зиммасида ўзи аудиториясига тақдим этаётган материалининг, ахборотнинг сифати ва қай тарзда, йўсинда етказилаётгани борасида катта масъулият ётади.

## МОДУЛЬ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ НАМУНАЛАРИ

### GIZ Дастури

- ▶ 3-Компонент. Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи Депеганийси томонидан амалга оширилиб, сув ресурсларидан самарали фойдаланиши ва атроф-муҳит мухофазаси ҳакида аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган. Ушбу компонентнинг асосий мақсади сув ресурсларини асрар, сув ресурслари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг стратегик аҳамиятини жамоатчилик томонидан янада чукурроқ англанишини уйғотишдан иборат.
- ▶ GIZ 2016 йилдан 2019 йилга қадар давом этадиган Дастурнинг «Сув хўжалиги ва ресурсларни бошқаришининг миллий доиравий концепцияси» деб номланган 1-компонентини Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Сувни бошқариш ҳалқаро институти (IWMI), Италияning Қишлоқ хўжалигига тадқиқотлар ва унинг иқтисодиёти бўйича кенгаши (СРЕА), Австрияning Атроф-муҳитни муҳофаза кўзитиши агентлиги, Германия Федорал Ташкил ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Журналистикада янгилик ва ҳабарнинг қўйидаги хусусиятларига эътибор қаратилади:

- фақат далилларни бериш;
- деталлар кўплитига эътибор қаратиш;
- шахсий фикрнинг йўқлиги;
- мавзунинг долзарблиги;
- асосий воқеанинг биринчи ўринга қўйилиши.

## КЕЙС СТАДИ

### ♦ 1-ТОПШИРИҚ

Марказий Осиё мамлакатлари, айниқса, Сирдарё ва Амударё қуиі оқимида яшайдыган аҳоли, йигирма йилдирки, сув етишмаслигидан ва бунинг ижтимоий-иктисодий оқибатларидан жабр чекмоқда. Улар орасыда Ўзбекистон күпроқ зарап күрмоқда, чунки энг күп сугорип майдонлари (4,3 млн.ектегар), қишлоқ аҳолиси сони (16 млн. киши) дән ортиқ) ва аҳоли зичлігі даражаси (54,6 киши/км<sup>2</sup>, Андижон вилюятыда энг күп – 520,5 киши) айнан шу ерда. Сувга әхтиёжи катта бұлишига қарамай, сувнинг чегаралар оша келиш тартиби ва ҳажмига үз таъсирини үтказып борасыда Ўзбекистоннинг имкониятлари чекланған, чунки мамлакат дарёлар оқимининг ўртасыда жойлашған. Сугориладын дәхқончилик барча сув сарфининг 85 фоизини истеъмол құлмоқда. Жадал суръатда күпаяёттан аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлігини таъминлаш учун сувга әхтиёжи тобора ортиб бораверади. Шу сабабли, ўрта муддатли истиқболда сугориладын дәхқончилик ва иктисодиёттнинг бошқа тармоқлари ўртасыда ҳамда маҳаллій дара жада сувни тақсимлаш, әхтиёжга қараб иш тутиш, дарё оқымларининг юқори ва қуиі мінтақалар, сув истеъмолчилари ва экотизимлар ўртасыда келишувга еришиш Ўзбекистон ва Орол деңгизи ҳавзасыдағи бошқа давлатлар учун муҳим ҳаёттій масалалардандир.

**Мазкур фактлардан фойдаланған ҳолда таҳлилий материал концепциясини ишлаб чиқынг.**

### ♦ 2-ТОПШИРИҚ

Марказий Осиёнинг күп миллионлы аҳолиси ва ҳаётни таъминлаш тизимлари табиий оғатлар, қурғоқчиликтер, күм бүронлари, зилзилалар, сув тошқынлари каби үтә хавфли табиат ҳодисалари таъсир доирасыда жойлашған. Инсоннинг жуда нозик экотизимларга тиклаб бұлмайдын даражада зарап етказаёттан нотұғри хұжалик юритиш фаолияти сабабли бундай хавф кучаймоқда. Иқлимни кузатыштар асосидаги айрим тахминларға күра, Сирдарёда сув ресурслари 30%, Амударёда 40% камайиши күтилмоқда. Бошқа тахминлар бүйіча эса сув ресурсларининг бунчалик кескин камайиши рүй бермайды. Шундай бұлса-да, барча тахминлардан келиб чиқадын хulosса шуки, сувга бўлған әхтиёж мавжуд

**Мазкур фактлардан фойдаланған ҳолда таҳлилий материал концепциясини ишлаб чиқынг.**

## **7-МОДУЛЬ**

### **Мавзу: ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ – СУВ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ СИФАТИДА**

**Модулнинг мақсади.** Сув тақчиллиги ва сувдан фойдаланиш муаммоларини ёритиш ва мазкур мавзуни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишда, сувдан фойдаланишда йўл қўйилаётган қонунбузилишларни аниқлашда, масала ечимини топишда журналист суриштирувининг аҳамияти тушунтирилиб, уни ўтказиш йўллари кўрсатиб берилади.

**Тарбиявий мақсади.** Сув тақчиллиги ва сувдан фойдаланиш муаммоларини ёритиш ва мазкур мавзуни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишда журналист суриштирувидан фойдаланиш борасида журналистлар ва бу мавзуда қалам тебратадиган ижодкорлар, мутахассислар малакасини опириш.

**Керакли жиҳозлар.** Проектор, интернет тизимига уланган ноутбук, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қозог скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар.** Сув, сувдан фойдаланиш, муаммо, журналист, материал, мавзу, журналист суриштируви, усуслар.

#### **♦ Методик тавсиялар:**

**A. Сўзбоши.** Сув тақчиллиги ва сувдан фойдаланиш муаммоларини ёритиш ва мазкур мавзуни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишда, сувдан фойдаланишда йўл қўйилаётган қонунбузилишларни аниқлашда, масала ечимини топишда журналист суриштирувининг аҳамияти «Ақлий ҳужум», тақдимот шаклида тушунтириб берилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг сув мавзуси бўйича билимлари ва журналистик материаллар тайёрлаш борасидаги амалий кўникмаларини қўллаш лозим.

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчиларига ҳар қандай суриштирув, исталган журналистик материал сингари ахборий сабабдан бошлинишини, суриштирув учун туртки бериши мумкин бўлган мавзулар, яъни сув тақчиллиги ва чўлланиш, ичимлик ва сугориш мақсадлари учун сув танқислиги, Орол инқизорзи, сувнинг ифлосланиши, иқлим ўзгариши, аҳолининг сувни тежаш борасидаги экологик маданияти етишмаслиги, ичимлик сув ва канализация муаммолари журналист суриштируви обьекти бўлиши мумкинлигини, суриштирувни олиб бориши қоидаларини визуал асосда тушунтириш, кичик гуруҳ-

ларда ишләш орқали семинар-тренинг қатнашчиларининг суриштирув ўтказишдаги билимларини ошириш.

**B. Ҳулоса.** Ҳар қандай журналист суриштируви қўйидагилардан таркиб топади:

- тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
- бирламчи ахборотларни йигиши ва қайта ишланиш;
- манбалар билан ишланиш;
- йигилган ахборотларни тизимга солиш;
- далилий базани шакллантириши;
- бош интервью;
- ҳукуқий экспертиза;
- битта журналист суриштируви материалларининг йигиндиси қўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин;
- шахсий ахборотлар (манбалардан олинган ахборотларнинг ре-зюмеси);
- йўл-йўрик кўрсатувчи ахборот (у қаердан олинишига алоҳида боб багишланади);
- ҳужжатлар;
- мақолалар нусхалари (ёки очиқ манбалар тўплами).

Журналист суриштируви, албатта, донабай маҳсулот ҳисобланади. Аммо унинг элементларидан, айрим босқичларидан турли материаллар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**G. Тавсиялар.** Журналист суриштируви учун танланган мавзунинг акс-садо беришини баҳолашда унинг фан, жамият ва матбуот томонидан ўрганилганлик даражасини ҳам эътиборга олиш зарур. Тақиқланган мавзулар мавжуд бўлмаган, жамоатчилик салбий ахборотлар билан «кўмиб ташланган», ахлоқ чегаралари йўқолиб бораётган бугунги кунда сувдан ҳисобсиз қишлоқ ҳужалигида фойдаланиш каби долзарб мавзу устида ишлаганда ҳам бефарқликка дучкелиш мумкин.

Мавзунинг акс-садо беришини баҳолаш мезонлари кўп жиҳатдан субъектив эканидан келиб чиқиб, бир нечта маслаҳатлар беришни лозим топдик:

- Ушбу ёки шунга ўхшаш мавзу юзасидан эълон қилинган ахборотни баҳоланг. Сиздан олдин ҳам бу мавзуга мурожаат қилгандар кўп бўлганми?
- Агар сиз бошқалар кўп маротаба қаламга олган мавзуга мурожаат этаётган бўлсангиз, «бирор бир янги гап айта оламанми?» деган савонни ўзингизга бериб кўринг.
- Ўқувчиларни биринчи галда ўзларига ёки яқин инсонларига таъсири кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар қизиқтиришини ёдда туting.

- Оддий инсонларни машхурларнинг сувга бўлган муносабати кўпроқ қизиқтиради.

Агар сиз суриштирув жараёнида жамоатчиликда ушбу мавзуга қизиқиш паст деган хуносага келсангиз, тушкунликка тушмай, ишингизни охирига етказиб қўйинг. Материални ёзиш жараёнида айrim тузатишлар киритиб кетиш мумкин бўлади. Тажрибали журналист хатто энг зерикарли мавзуни ҳам «чиройли» тарзда тақдим эта олади.

## МОДУЛЬ БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

<b>Анъанавий журналистика</b>	<b>Журналист суриштируви</b>
<b>ТАДҚИҚОТ</b>	
Ахборот маълум темпда(кундалик, ҳафталик, ойлик) йигилади ва тарқатилади	Ахборот тўлиқ ва ўзаро алоқадорлиги жиҳатидан ўрганилмагунича чоп этилмайди.
Тадқиқот тезкор ўтказилади. Материал тайёр бўлгач, тадқиқот бошқа давом этирилмайди.	Тадқиқот, материал чоп этилгани ёки этилмаганидан қатъи назар, воқелик тарихи тўлиқ юзага чиқмагунича давом этаверади
Материал энг зарур ахборотдантина иборат қисқа бўлиши мумкин.	Олинини мумкин бўлган максимум ахборотдан иборат катта ҳажм бўлиши мумкин.
Ахборот манбалари берган маълумотларни турли ҳужжатлар билан алмаштириш мумкин.	Материал ахборот манбаларининг фикрини тасдиқловчи ёки инкор этивчи ҳужжатларни талаб қиласи.
<b>Ахборот манбалари билан ўзаро муносабат</b>	
Ахборотлар манбаларининг тўғрилиги презумпциясидан келиб чиқиб, қўпинча текширилмайди.	Ахборотлар манбаларининг тўғрилиги презумпциясидан келиб чиқиб, қўпинча текширилмайди
Расмий ахборот манбалари журналиста ўз мақсадлари ва фаолияти йўлида ахборотларни эркин етказади.	Расмий ахборотлар журналистдан яширилади, чунки уларнинг ошкор бўлиши маълум ҳукумат органлари ёки институтларининг манфаатларига зид келиши мумкин.
Журналист мавзунинг расмий талқинини қабул қилишга мажбур, ҳолбуки уни турли ахборот манбалари ва шарҳларга солинтириб кўриши мумкин.	Журналист мавзунинг расмий талқинини мустақил ахборот манбалари ахборотларига таяниб очиқ инкор этиши ёки шубҳаланиши мумкин.

Журналист ахборот манбалари күп бўлишига қарамасдан оз миқдордаги ахборотдан ҳам қониқиши мумкин.	Журналист ахборот манбалари эгаллаган инфомациядан ҳам ортиқ ахборотта эга бўлади.
Ахборот манбалари деярли ҳеч қачон сир тутилмайди.	Аксарият ҳолларда ахборот манбалари ҳақидаги маълумотлар уларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун яширилади.
<b>Натижалар</b>	
Репортажда борлиқнинг акси сифатида мавжудлик борича қабул қилинади. Журналистнинг мақсади бунда оммага маълумот етказишдан нари кетмайди.	Журналист борлиқни борлигича қабул қилишини инкор этади. Материалда конкрет вазиятнинг моҳиятига етиш, уни ўзgartириш ва қоралаши мақсад қилинади.
Репортаж журналистнинг шахсий қатнашувини талаб қилмайди.	Журналистнинг шахсий қатнашувисиз материал асло ўз якунига етмайди.
Журналист ҳамиша холис, бетараф бўлиши ва бирор томоннинг муҳокамасида қатнашишдан ўзини тийини керак.	Журналист суриштирув доирасида фактларга нисбатан ҳалол ва синчков бўлиши керак, шунинг асосида жабрланганлар, қаҳрамонлар ва қонунбузарларни аниқлашга ҳаракат қиласди. Бундан ташқари журналист мавзу бўйича айрим мулоҳаза ва хуносалар бериши мумкин.
Репортаж қанчалик самарали бўлмасин, бунинг катта аҳамияти йўқ. Тарихнинг якуни бўлмаганидек, ахборотлар ҳам бирин-кетин алмашаверади.	Материалнинг самарадорлиги унинг қанчалик натижага қўрсатиши, таъсиранлигини белгилайди, журналист воқеликни якунлаб хуносалаб беради.
Журналист йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолари қўрқинчли эмас.	Йўл қўйиладиган хатолар туфайли журналист турли расмий ва норасмий санкциялар олиши, унинг ва у ишлайдиган ОАВнинг обруси тушиши мумкин.

## Журналист суриштируви

- Мазкур жанрнинг бошқа жанрдан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятлари мавжуд булиб, улар қуйидагилардир:
- Жамоатчилик дижқат-эътиборидан маълум вақт четда ҳолиб, оқибатда жамият ривожини орқага тортаётган муаммомони журналистнинг бевосита иширикои орқали очиш.
- Мухим ҳодисалар ҳақида материал яратиш.
- Манбани кўрсатиш ва аниқ иқтибослар келтириш.
- Шахсий хулоса чикармаслик, балки эксперталар фикрини бериш.



Ушбу йўналишда ишлаётган журналист ахборот олишда қуйидаги усуллардан фойдаланиши мумкин:  
кузатув, интервью, сұхбат, ҳужжатлар таҳлили.

- Ҳар томонлама ҳужжатлаштирилган ва мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган материал тайёрлаш учун кўп соҳалардан хабардор бўлиш талаб этилади



## **КЕЙС СТАДИ**

### **♦ 1-ТОПШИРИҚ**

Вилоятларда канализация муаммосини аниқланг ва канализациядан фойдаланиш масалалари, оқава сувларнинг табиятга келтираётган зарари бўйича ўз ҳудудингизда журналист суриштируви ўтказинг.

### **♦ 2-ТОПШИРИҚ**

Ҳудудда сувни тежамаслик натижасида аҳолига, табиятга етказиляётган зарарни аниқлаш мақсадида «Сувокова» корхоналарининг ўз вилоятингиздаги фаолияти юзасидан журналист суриштируви олиб боринг.

### **♦ 3-ТОПШИРИҚ**

Ҳудудингизда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ижроси қандай таъминланадиганни бўйича журналист суриштируви олиб боринг.

---

---

## 8-МОДУЛЬ

### **Маевзу: ЖУРНАЛИСТНИНГ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ИШЛАПИ (ДАТА-ЖУРНАЛИСТИКА) ВА ЭКОЛОГИК АХБОРОТ ВИЗУАЛИЗАЦИЯСИ**

**Модулнинг мақсади.** Бугунги кунда журналистиканинг тури ва йўналиши кўп. Бевосита сув муаммоси ҳақида материал тайёрлашда журналист қўплаб рақамлар, статистик маълумотларга мурожаат этиши зарур. Албатта бунда унга маълумотлар, яъни дата журналистика йўналишидаги мавжуд билимлари ёрдам беради. Иштирокчиларга дата журналистиканинг аҳамияти тушунтирилиб, уни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилади.

**Тарбиявий мақсади.** Дата журналистика ва янги мультимедиавий технологиялар воситасида журналистик материал тайёрлаш орқали сув муаммоларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш учун ушбу мавзуда қалам тебратётган ижодкорлар, мутахассислар малакасини опириши.

**Керакли жиҳозлар.** Проектор, интернет тизимида уланган ноутбук, интернет ресурслари: medium.com, tilda.cc, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қозоғ скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар.** Дата журналистика, сторителлинг, интернет ресурслари, medium.com, tilda.cc, визуализация, инфографика.

#### **♦ Методик тавсиялар:**

**A. Сўзбоши.** Сув муаммосини ёритишда дата (маълумотлар журналистикаси) ва мультимедиавий воситалар ва интернет ресурсларидан фойдаланиш самараси тақдимот шаклида, medium.com, tilda.cc интернет ресурслари мисолида қатнашчиларга тушунтириб берилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг интернетдан, ўз материалларида статистик визуаллаштириш элементларидан фойдаланиш борасидаги амалий кўнникмалари қўлланилади.

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчиларига маълумотлар журналистикаси, мультимедиа воситалари medium.com, tilda.cc, <https://www.canva.com>, <https://www.thinglink.com>, <https://soundcloud.com>, <https://infogram.com> орқали сув муаммоларини ёритиш борасида маълумот берини.

**B. Хулоса.** Сув ва сувдан фойдаланиш муаммолари бўйича материал тайёрлашда замонавий мультимедиа технологияларини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш бутунги куннинг талаби бўлиб, жур-

налист мавзуни ҳар томонлама очиб берипшида құл келади. Мульти-медиавий сторителлинг ва лонгридни яратиш асосларини үрганиш журналистлар учун нафақат янги технологияларни үрганиш, балки үз материалига глобал тармоқ орқали бутун жаһондаги барча қызықувчиларни жалб этиш имкони ҳамдир.

**Г. Тасвиялар.** Мультимедавий воситалардан фойдаланган ҳолда материал тайёрлаш журналистдан универсаллик ва замонавий техника воситаларини яхши түшүнишни талаб этади. Агарда сиз видеога тушириб, уни монтаж қила олсангиз, аудиороликлар ёзсангиз, яхшигина матн ёзib, суратта туширсангиз, демек сиз конвергент журналистикада ишпай оласиз. Хүш, ишни нимадан бошлап зарур? Аввало, бирор бир мавзуни танлаб, дастлабки маълумотларни йигишга киришинг. Улар аудио, видео, фотосурат ва рақамлар күринишида бўлиши зарур. Биринчи босқичда журналистик материал структурасини чизб чиқинг. Албатта материалнинг ҳар бир қисми бошқаси билан мантикий bogланган бўлиши лозим. Масалан, бугунги кунда республикамиз ОАВда кам тилга олинаётган сувни тежаш мавзусини танланган бўлсангиз, аввало муаммонинг бир турига эътиборингизни қаратинг.

## МОДУЛЬ ЮЗАСИДАН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

### Дата журналистика тарихи

Дата журналистикаси кеча пайдо бўлгани йўқ. Унинг тарихи 19-асрга бориб тақалади. Маълумотлар журналистикаси сифатида эътироф этилган биринчи материал 1821 йили Британиянинг «The Guardian» газетаси томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари эди<sup>1</sup>. Унда Англияning турли хил ҳудудларида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида таълим бериш нархлари, тўлов орқали ва бепул ўқиётган талабалар сони таҳдил этилганди. Мақола муаллифлари жадвал шаклида ҳар бир олий таълим муассасасида ўқиши, яшаш нархларини солишигирма тарзда курсата олганликлари учун мақола ижобий тақризларга эга бўлиб, уларда «илк маротаба журналистик амалиётда ўкувчилар аудиторияси учун барча маълумотлар опкора келтирилган»лиги қайд этилди. 1858 йили биринчи аслзодалардан чиққан тиббиёт ҳамшираси Флоренс Найтингейл Британия армиясининг йиллик йўқотишлари ва ҳолати таҳлилига багишланган тадқиқот ўтказди<sup>2</sup>. 54 бет-

<sup>1</sup> Хакатон по журналистике данных. <http://www.datadrivenjournalism.ru/2016/06/ddj-hack>

<sup>2</sup> Биография Флоренс Найтингейл. [http://www.sisterflo.ru/flo/biography\\_flo.php](http://www.sisterflo.ru/flo/biography_flo.php)

дан иборат материалда муаллиф турли хил жадвал ва диаграммалардан фойдаланди. Найтингейл тадқиқоти, шунингдек, ўзига хос журналист текшируви бўлиб, унинг натижаларига кўра тинчлик пайтида армиядаги зобитлар ўртасида ўлим, тинч аҳоли ўртасидаги ўлимдан кўра икки баробар кўплиги аниқланди.

Маълумотлар журналистикасининг замонавий кўринишдаги ҳолати эса 1952 йилда вужудга келди. Унда илк маротаба журналист фаолиятида компьютердан фойдаланилган эди. CBS телеканали президент сайловларининг умумий натижалари ва ҳар бир номзод тўплаган овозларни таҳдил этиш учун UNIVAC I компаниясидан компьютерни ижарага олган эди<sup>1</sup>. Ўтган асрнинг 60-йиллари охирларида журналистикада компьютердан кенг фойдаланила бошланди. 1990-йилларда Стив Дойг ўзининг «Нимадир ног'ти бўлди» сарлавҳали материалида эса иқдим ўзгариши ва «Эндрю» бўрони оқибатида АҚШга етказилган талофатни таҳдил этади<sup>2</sup>. Журналистлар маълумотларни тушунарли, ёрқин ва инфографика воситасида тақдим этганларни учун турли хил мукофотларга сазовор бўлишган. 1989 йили АҚШнинг «The Atlanta Journal-Constitution» газетаси компьютерда қайта ишланган маълумотлардан фойдаланган қатор репортажлари учун Пулитцер мукофотига сазовор бўлган. Шу йили Миссури университети қошидаги Журналистика мактабида илк Компьютер журналистикаси миллий институти очилди ва 1990 йили маълумотлар журналистикасига бағищланган илк конференциясини ўтказди. Мазкур анжуман ҳар йили ташкил этилиб, унда бутун дунёда айнан маълумотлар журналистикаси йўналишида фаолият юритаётган ОАВ вакиллари қатнашадилар. Маълумотлар ёки дата журналистика ўз номини 2010 йилда Амстердамда ўtkazilgan конференция чогида олди ва бугунги кунда у тезкорлик билан ривожланмоқда. Маълумотлар журналистикаси билан шугулланадиган биринчи ОАВ сифатида «The Guardian» газетасини тилга олиш мумкин. Газета 2009 йили Datablog бўлимини ташкил этиб, унда чоп этилаётган материалларнинг барчаси маълумотларни қайта ишлаш орқали берилади.

2012 йили Global Editors Network жамияти маълумотлар журналистикаси соҳасида Data Journalism Awards мукофотини таъсис этди<sup>3</sup>. Шундан бўён ҳар йили мазкур соҳада маълумотларни энг яхши визуаллассириш, энг яхши журналист текшируви, энг яхши шахсий портфолио, ОАВнинг энг яхши сайти ва бошқа номинацияларда мукофотлар ўз эгаларига топширилади.

Юртимизда маълумотлар журналистикаси эндигина тетапоя бўл-



<sup>1</sup> [http://moscow.pink/univac\\_4563334.html](http://moscow.pink/univac_4563334.html)

<sup>2</sup> Журналистика данных в перспективе. [http://ria.ru/files/book/\\_site/](http://ria.ru/files/book/_site/)

<sup>3</sup> <https://salaries.texastribune.org/>

моқда. 2015 йили <http://data.gov.uz> сайти иш бошлади. Унда илгари ОАВ вакиллари учун ёпиқ бўлган турли хил йўналишдаги рақамлар, статистик маълумотлар тўплланган. Улар ўз нашрлари, ОАВ сайтларида бевосита бирор мавзу юзасидан материалларни маълумотлар таҳдил этилган ҳолда визуаллаштирилган, яъни камроқ матн ишлатиб, инфографика, видеорепортаж ва интерактив хариталар ёрдамида ўқувчиларига тақдим этишларининг вақти етди.

<https://tilda.cc>



## **МОДУЛЬ БҮЙИЧА ТАҚДИМОТ НАМУНАЛАРИ КЕЙС СТАДИ**

### **♦ 1-ТОПШИРИҚ**

Сувни ифлослантирмаслик ва тежаш учун нима қилиш лозим?  
**Мазкур мавзуда лонгрид тайёрлашда қайси интернет ресурслардан ва и платформадан фойдаланасиз? Кўрсатиб, тушунириб беринг**

#### ***Maъlumot***

Ўзбекистон дунёда азалдан сугориладиган деҳқончилик ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ерлари асосан Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Чирчик ва Оҳангарон дарёлари суви билан сугорилади.

Дарёлар сув оқимини тартибга солиши учун мамлакатда 56 та сувомбори фаолият юритмоқда. Мавжуд ишлатиладиган сувнинг 85% қишлоқ хўжалиги, 12% саноат ва 3% майший-коммунал хўжалик ҳиссасига тўғри келади.

Сув ҳавзалари қишлоқ хўжалиги экинлари экилган далалар, чорвачилик фермалари, саноат корхоналаридан чиқаётган оқава сувлар билан оқиб келадиган металлар (масалан, симоб, қўргошин, рух, мис, хром, марганец, қалай), радиоактив ва заҳарли моддалар билан ҳам ифлосланиши мумкин.

Металлар орасида айниқса, симоб, қўргошин ва улар бирикмалири жуда ҳавфли ҳисобланади.

Саноат корхоналаридан чиққан чиқиндиilar, экинларни парвариш қилинча фойдаланиладиган кимёвий ўтилар, қишлоқ хўжалик заараркунандаларига қарши қўлланиладиган кимёвий воситалар ҳам оқава сувлар билан сув ҳавзаларига тушганида уларни ифлослантиради.

### **♦ 2-ТОПШИРИҚ**

**Аҳолининг сувдан фойдаланиши борасидаги экологик маданиятини ошириши учун нима қилиш лозим? Мультимедиавий сторителлинг тайёрлап учун қайси интернет ресурслардан ва и платформадан фойдаланасиз? Кўрсатиб, тушунириб беринг.**

#### ***Maъlumot***

Экологик маданият кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли қўришилларида, шунингдек улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда намоён бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш ўз моҳиятига кўра экологик маданиятдир. Бу фаолиятда табиий бойликлар, хусусан сувдан оқилона фойда-

ланиш маданиятини ривожлантириш оддий жараён эмас, аксинча ом-манинг амалий ташаббускорлигига, гоявий-сиёсий онглилигига, маълумот даражасига боғлиқ.

Бунда экологик тарбиянинг вазифаси муайян экологик вазиятга, ҳар бир кишининг табиатига, шахсий муносабатига боғлиқ эканлигини англатишга қаратилган бўлиши мумкин.

Сувдан фойдаланиш маданияти, биринчи навбатда, инсон ҳаёти, саломатлиги, фаровон турмуш кечириши, қобилияти ва имкониятларини тұлароқ намойиш этиши билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги пайтда ёшларда экологик маданиятни шакллантириш жараёнида аввало, уларнинг ҳиссияттеги таъсир этиши, улар қалбіда табиатта меҳр уйготиш болалик чөглариданоқ бошланиб, изчил ривожлантирилса, у ижобий самара беради.

Бундан ташқари, ёшлар онгига табиатни муҳофаза этиши ва у билан оқылона ўзаро таъсир масалаларида фаол ҳаётий нуқтаи назарни шакллантириш ва табиий қонунларга зид ишлар қымасликни тушунтириш керак.

---

---

## 9-МОДУЛЬ

### Мавзу: ФЕЙКНЫЮС ВА ФАКТЧЕКИНГ: ЁЛГОН АХБОРОТ ВА УНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

**Модулнинг мақсади.** Сув муаммоларини ёритишда ёлгон ахборот тарқатмаслик, сувдан фойдаланиш борасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ишончсиз ахборот, манбаси кўрсатилмаган фейкларни тақдимот, визуаллаштирилган воситалар, роликлар орқали тренинг қатнашчиларига кўрсатиш, фактчекинг ва фейкныюс моҳиятини тушунтириб бериш.

**Тарбиявий мақсади.** Ёлгон ахборотни ҳақиқий ахборотдан фарқлай олиш, фактчекинг асосларини ўрганиш орқали сув тақчиллиги ва сувдан фойдаланиш муаммоларини холисона ёритиш учун журналистларни медиасаводхонлик асосларидан хабардор қилиши.

**Керакли жиҳозлар.** Проектор, интернет тизимида уланган ноутбук, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қозоз скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар.** Сув, сув тақчиллиги, сувдан фойдаланиш, фактчекинг, фейкныюс, экология, журналистик материал, ахборот.

#### ♦ Методик тавсиялар:

**A. Сўзбоши.** Иштирокчиларга сув муаммосини ёритишда холис ахборот тарқатиб, сувдан глобал миқёсла фойдаланилиши ва унинг ифлосланиши, тежаш борасидаги статистик маълумотлар, факт ва далилларни (айниқса улар ижтимоий тармоқлардан олинган бўлса) текширишда фактчекинг усувларини қўйлаш, фейк хабарларни билиб-бilmай тарқатмаслик тушунтириб берилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг интернетдан фойдаланиш, ахборот тарқатиш борасидаги амалий кўнимкамларидан фойдаланилади.

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчиларига сув муаммоларини ёритиш борасида фақаттана ишончли манбалардан олинган факт ва далилларга таяниш, манбаси кўрсатилмаган, ўқувчида шубҳа туғдиралигиган маълумотларни фактчекинг усувлари орқали текшириб, узатиш тўғрисида маълумот берishi.

**B. Ҳуноса.** Оммавий ахборотнинг анъанавий воситаларида ҳар ҳолда муйян нормаларга риоя қилинарди. Воқеаларнинг ҳақиқатга тўғри келиши ё келмаслиги текшириларди. Бироқ, аксарият ҳолатларда напир ва янгиликларни тарқатишдан мақсад ўқувчилар эътиборини жалб

қилиш бўлиб қолди. Табиийки, бу йўлда кўп ишончсиз маълумотлар пайдо бўлади. Уларни текшириб кўриш, ҳақиқийни ёлгон ахборотдан ажратса олиш учун медиасаводхонлик қўнинмаларига эга бўлиши мумкин.

#### **Г. Тавсиялар.**

- Ахборот манбаларига эҳтиёткорлик билан ёндашинг;
- Ўқиётган, тинглаётган ва кўраётган янгиликларингизни текшириб кўринг;
- Қанча кўп ахборот манбасини кўрсангиз ҳам, доим биринчи навбатда бир неча ишончли манбага таянинг.

### **МОДУЛЬ ЮЗАСИДАН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР**

#### **МЎЙНОҚ ҲОКИМИЯТИ ИЧИМЛИК СУВИ ТАНҚИСЛИГИ БИЛАН БОГЛИҚ ВАЗИЯТГА ИЗОҲ БЕРДИ**

<https://sputniknews-uz.com>

Аввалроқ Ўзбекистондаги айрим ОАВ Мўйноқда атиги бир йил аввал янги сув қувури ишга туширилган бўлса ҳам ичимлик суви йўқлиги ҳақида ёзганди.

**ТОШКЕНТ, 12 июль. 2018 – Sputnik.** Мўйноқда шаҳарнинг айрим туманларида ичимлик суви етказиб бериш билан bogliq muammolarni kuzatilmoqda. Maʼalliy ҳокimiyatning maʼlumotiga kura, 3%ga яқин xonadon suv bilan taʼminlanišida muammoga duch kelgan, deb xabar berdi Nuz.uz.

Аввалроқ Ўзбекистондаги айрим ОАВ Мўйноқда атиги бир йил аввал янги сув қувури ишга туширилган бўлса ҳам ичимлик суви йўқлиги ҳақида ёзганди.

«Бутун Мўйноқ сувсиз қолгани йўқ. Бу бутунлай ёлғон хабар. Бизнинг ҳисобимизга кўра, айни пайтда шаҳардаги хонадонларнинг 3%идагина сув билан таъминланишида муаммо мавжуд. Техник жиҳатдан бу меъёрий ҳолат ҳисобланади. Лекин биз учун ҳар бир уй, ҳар бир оила муҳим, шу боис шаҳар маъмурияти сув таъминоти тизимидағи камчилликни бартараф этиши учун тезкор чораларни кўрмоқда», – деди туман ҳокими Сайловбой Дониёрөв.

Унинг сўзларига кўра, муаммо рельефнинг ўзига хос хусусиятлари билан bogliq shaxarning aйrim tumanlariда қувurlarدارиги bосимning pastligi туфайли сув истеъmolchilargacha etib bor-mayapti. Tegishli manzillarغا taъmirlash guruhlari йўл олган. Ҳокimiyat яқин вақт ичида сув taъminotini тўliq tiklancha vaъda berdi.

## МОДУЛЬ БҮЙИЧА ТАҚДИМОТ НАМУНАЛАРИ

### Fake

Инглиз тилининг изоҳли лутати — Collins English Dictionaryнагу тузувчилари 2017 йил сўзи сифатида fake news («ёлғон янгиликлар», «фейк хабарлар») сўзларини топди.

- Collins fake newsни «янгилик сифатида тарқатиладиган ёлғон, баъзан шов-шувли ахборот» сифатида тавсифлайди.
- 2016 йилдан бери бу сўз биринчасининг ишлатилиши жаҳон матбуотида 365 фоизга ўсида.

### Улар нимаси билан хавфли?

- Интернет эндиғина ривожлана бошлаганида аксарият уни билим олиш имкониятларини бир неча баробарга оширади деб ўйлаган, шу билан бирга, ахборот каналларининг кўпайишиб маълумотларнинг аниқлиги ва шаффофлигини таъминлай дигандек туюлган.
- Аслида эса янгиликлар платформалари ва ижтимоий тармоқларнинг мисли кўрилмаган даражада кўпайиб кетиши билан одамлар ўз «қобиги»га ўралиб қола бошлади. Улар тор доирадаги қизиқишлар билантиша чекланниб, умумий картинани кўришмайди.

## Қандай ҳимояланиш мүмкін?

- Ахборот манбааларига әхтиёткорлық билан ёндашиң;
- Қандай янгилікларни үкіёттеганингиз, тиңгластығанингиз ва күраєттеганингизга масъұмыят билан ёндашиң;
- Қанча күп ахборот манбаини сақыфаласаңгиз ҳам, доим бірлікпен навбатда бірәр неча ишончли манбаага таянғынг.

### КЕЙС СТАДИ

#### ◆ 1-ТОПШИРИҚ

2018 йилнинг 20 февраль куни «Озодлик» радиоси Данфара туманинга қарашли Кичик Ганжиравон қишлоғи ахлини сув муаммоси қийнаётгани ҳақида хабар тарқатган. Хабарда сув борлиги, аммо ундан фойдаланишда коррупция авж олгани, сувга уланиш учун 10 миллион сүм тұлаш кераклиги қайд этилади. Шу навбатида сув тортиш насослари таъмирталаб эканлиги айтилиб, ҳудуд ақолиси учун сув танқислиги юзага келаётгани таъкидланади. Шу йилнинг 2 март куни «Сувоқава» ДУК Данфара тумани филиали раҳбари Жаҳонгир Тожибоев ҳамда корхона мутахассислари ҳамроҳлигіда Кичик Ганжиравондаги мавжуд ҳолат ўрганилди. Маълум бўлишича, 2014 йили маҳалла ахли ўз маблаглари ҳисобига ичимлик суви минорасини ўрнатишган. Маҳалла ўртасига ўрнатилган замонавий бу иншоот соатига 16 тонна ичимлик суви чиқарып бериш қувватига эга. Шу сабабли ҳудуддаги ҳар бир оила ўз хонадони учун алоҳида тармоқ тортиб, ичимлик сувидан ҳеч бир муаммосиз фойдаланиб келмоқда. Ўрганишлар давомида маҳалладаги юздан ортиқ хонадонларга кириб сұхбат ўтказилди. Натижада ичимлик суви билан bogliq бирор бир муаммо қайд этилмади. Тұғри, ҳудуддаги 14 та хонадонда — яни ҳозирча янги уйларига күчіб чиқмаган оиласаларда ичимлик суви йўқ. Аммо улар күчіб чиққан куни бундай имкониятдан фойдаланишлари учун 14 та хонадонга ҳам ичимлик суви тармогига жой ҳозирлаб кетилган. Ўз навбатида сув босимини янада кучайтириб беришга хизмат қилув-

чи ушбу сув минораси «Сувоқава» ДУК Дангара филиали балансига олинган бўлиб, унинг хавфсиз ишланиши, таъмири ва сифатли сақла-ниши доимий назоратга олинган. Ҳар бир оила учун сув сарфини аниқ ҳисоб-китоб қўйувчи жиҳозлар ўрнатилган ва битта оила ойига ичимлик суви истеъмоли учун ўртacha 10 минг сўмдан харажат қўлмоқда. Тўловлар ўз вақтида амалга ошириб келинаётгани сабабли ма-ҳаллада ичимлик суви истеъмоли учун қарздор бўлиб қолаётган оилас-лар йўқ.

**Мазкур вазиятни таҳлил қилинг ва тарқатилган хабар ва унга жавоб тўғри ёки нотўғрилигини текшириш йўлларини кўрсатинг**

#### ♦ 2-ТОПШИРИҚ

Оби-ҳаёт муаммоси БМТ даражасида 1977-йилдан бери муҳокама қилиб келинади. Ушбу ташкилот хабарига кўра, айни пайтда 31 та давлат сув инқирози билан тўқнап келган. Агар нефть тақчиллиги мутахассисларнинг башоратларидангина маълум бўлса, сув тақчиллигини инсониятнинг учдан бир қисми ўз бошидан кечирмоқда. Айни дамда 2,3 миллиард одамни сув билан таъминлаш муаммо бўлиб турибди. 1,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувига эҳтиёж сезмоқда. Африка мамлакатлари сув масаласини ҳал этиш сайд-ҳаракатлари ҳозирги даражада давом эттириладиган бўлса, мавжуд муаммо юз йилдан кейин ўз ечимини топиши мумкинлиги айтиб ўтилади. Нефтга бой минтақаларда сув аллақачон муаммога айланиб қолганлити, халқаро муносабатларда бу масала долзарб мавзуга айланиб қолаётганилиги исрофгарчиликнинг зарарли оқибатларининг бугунги кундаги амалий ифодасидир. Сўнгти 100 йилда сугориладиган ерлар 40 миллиондан 400 миллион гектарга кенгайгани ҳисобга олинадиган бўлса, муаммонинг долзарблиги янада ойдинлашади. Шунингдек, ривожланаётган шаҳарлар эҳтиёжи ва саноат учун ҳам анча-мунча сув кетишими инобатга олиш керак. Шаҳар ва саноат нафақат сув истеъмол қиласди, балки оби-ҳаётни ифлослантиради ҳам. Сув ресурсининг этишмовчилиги мавжуд бўлган ҳудудлар ҳисобига бугунги кунда сув бизнеси шаклланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу борадаги тадбиркорлик Европага катта даромад олиб келмоқда. Сувга эҳтиёж кучайгани сари, унинг нархи ҳам ошмоқда. Ушбу маълумотларда сув неъматининг инсон ҳаётидаги аҳамияти юқори эканлиги яна бир бор ўз исботини топади. Бу неъматнинг исрофи ҳақида ислом динида ҳам алоҳида тақиқлар мавжудки, бугунги кунда келиб чиқаётган сув тақчиллиги ҳам ушбу кўрсатмаларга амал қилмасликнинг оқибати ҳисобланади.

**Мазкур вазиятни таҳлил қилинг ва тарқатилган хабар ва унга жавоб тўғри ёки нотўғрилигини текшириш йўлларини кўрсатинг**

## 10-МОДУЛЬ

### **Мавзу: АХБОРОТ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТГА ҚҮЙИАДИГАН ТАЛАБЛАР**

**Модулнинг мақсади.** Ахборот бутун жамият учун ҳаётий заруратдир. Кишилар ўзаро кундалик муроқотларида ахборот алмашини орқали маълум муддат ўзлари кўрмаган, шоҳиди бўлмаган воқеаликдан хабар топадилар. Худди шунингдек ўзлари кўрган, гувоҳи бўлган воқеаҳодисалар ҳақида ахборот берадилар. Бу – ахборотнинг энг содда шакли.

ОАВ жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради. Аммо сув ва сувдан фойдаланиш бўйича маълумотлар қаердан олинади? Журналистнинг ахборот олувчи асосий манбаси нима? Манбалар ва захиralар жамиятнинг ўзи эканлиги, журналист сув мавзусини ёритаётганда этика қоидаларга риоя қилиши кераклиги семинар-тренинг қатнашчиларига тушунтириб берилади.

**Тарбиявий мақсади.** Ахборот манбалари ва улар билан ишланиш қоидалари муҳим аҳамият касб этиб, семинар-тренинг қатнашчиларига ишончли ахборот манбалари билан ишланиш, журналист сув ва сувдан фойдаланиш бўйича ахборот олиши учун, аввало, ўрганаётган манбаси ҳақида яхши билимга эга бўлиши, ахборот берган шахс у ҳақда ёмон таассуротда қолмаслигини, журналист сув ва сувдан фойдаланиш мавзусини тадқиқ этаётганда ўзининг касбий ахлоқига зид келмаган ҳолда фаолият юритиши кераклигини уқтириши.

**Керакли жиҳозлар.** Проектор, интернет тизимиға уланган ноутбуқ, турли рангдаги маркерлар, флипчарт, қозог скотч, рангли стикерлар.

**Асосий тушунчалар.** Ахборот, ахборот манбалари, журналист, шахс, давлат, талаблар, сув.

#### ♦ Методик тавсиялар:

**A. Сўзбоши.** Сув муаммосини ёритишда журналистлар бир қанча ахборот манбаларидан фойдаланиб, аввало одамларнинг ўзи, бевосита сув билан шуғулланаётган давлат ва подавлат корхоналари, халқаро ташкилотлар билан ишланиш лозимлиги, бунда албатта ахлоқ меъёrlа-рига риоя этиши тушунтириб берилади. Бу ўринда семинар қатнашчиларининг журналистик фаолият борасидаги амалий кўнилмаларидан фойдаланилади.

**B. Модуль баёни.** Тренинг қатнашчиларига «Сув муаммоларини ёритишда журналистлар қандай манбалардан фойдаланадилар?» деган савол юзасидан тушунча берилади. Бунинг учун улар журналистлар

маълумотлар базасига эга бўлиши борасида турли фикрлар бериб борилади. Давлат ташкилотлари ва муассасалари ходимлари зарур ахборотларни ўз вақтида фуқарога тақдим этиши кераклиги, сув мавзуси бўйича муҳим ахборот манбаларидан бири бу мамлакатимизда экологик йўналишда фаолият кўрсатоётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) бўлиб, улар сувдан фойдаланиш мавзусига тааллуқли барча масалалар бўйича керакли маълумотлар ва муайян муаммоларни бартараф этиш борасида бой тажрибага эга эканлиги, журналистлар бошқа ахборот манбаларига, яъни интернет, агентликлар ёки турли ахборот захираларига (архивлар, фондлар, кутубхона, газета тахламлари, кино, аудио, видеотекалар) мурожаат этишлари мавзуни кенгроқ ўрганишга ёрдам бериши, ахборот билан ишланиш ва сув мавзусини ёритишда ҳар бир журналист касб одоби доирасида фаолият юритиши баён этилади.

**B. Ҳулоса.** Жаҳон журналистикаси назариясида муҳим талаб ҳисобланган ҳар қандай ахборотнинг тўғрилигини камида икки манбадан текшириб кўриш, бевосита интернетта ҳам тааллуқлидир. Айниқса, интернет манбаларидан фойдаланганда, зарур маълумотларни олишда имкон қадар лицензияга эга, расмий давлат сайтларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Маълумотлардан фойдаланганда, муаллифлик ҳукуки талабларига риоя этган ҳолда, албатта манбани кўрсатиш зарур.

Ахборот маңбаси жамиятнинг ўзи эканлигини таъкидлаган ҳолда иқлим ўзгаришининг оқибат сифатида сув муаммоси мавзусини ёритишда асосий манба – бевосита экологик муаммо мавжуд ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли эканлигини унутмаслик керак. Қаҳрамон билан суҳбатлашиш материалнинг жонли ва ишонарли чиқишини таъминлайди.

**G. Тавсиялар.** Журналист ахборот манбаларидан фойдаланишда ҳаққоний фикрларни субъектив салбий қарашлардан ажратмоги лозим. Турли манбаларнинг ўзаро уйгунлигини, мазмунан ҳамоҳанглигини қандай таъминлаш мумкин? Бунинг учун, аввало<sup>1</sup>:

- Воқеа қатнашчиларининг фикрларини жамлаш ва саралаш;
- Манбалар холислиги ва ҳаққонийлигини текшириш ва унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш;
- Фикрлар хилма-хиллигига эришиш;
- Расмий манбалардан тўлақонли фойдаланиш;
- Манбалар масала моҳиятини очиб беришига эришиш;
- Журналист касбий фаолиятига птур етказадиган плагиат, ёлгон даъват, фактларни бузиб кўрсатиш, материалдан манфаатдорликдан қочиши керак.

<sup>1</sup> Косимова Н., Тошбулатова Н. Оммавий ахборот воситаларида болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. – Т.: ЮНИСЕФ, 2014.– 6.69

## **МОДУЛЬ ЙОЗАСИДАН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР**

### **Ахборот билан ишлаш тамойиллари**

- Воқеа-ҳодисалар, янгиликларни танлааб, уларнинг мазмунини бузмаган ҳолда таҳрир ва таҳдил этиши;
- Холислик;
- Ўз фикрини билдирилмаслик;
- Бир нечта манбадан ахборот йигиши;
- мавзу доирасига, ахборот манбаларига, қаҳрамон ва муаллифларига, материаллар географиясига эътибор қаратиш;
- Қонун устиворлигига риоя этиши.

### **Сув мавзусини ёритаётган журналистнинг олтин қоидалари:**

- Қонун устиворлигига риоя этиши!
- Аниқ воқеликни баён этиши!
- Ҳужжатлар билан самарали ишлаш
- Мантиқий мушоҳада
- Интервюйонинг турларидан самарали фойдаланиши ва уни репортажда кўллай билиш
- Воқеалар ривожини кузатиб бориши ва баён этиши
- Тил маданиятига, турли хил атамаларга эътибор бериши, иложи борича репортаж тайёrlашуда улардан фойдаланмаслик
- Янти талқинларни яратиш
- Оқибатларга нисбатан бетарафлик
- Вакт билан событқадам бўлиши!
- Журналист этикасига риоя этиши.

## Муаммо ва унинг ечими ҳакида ахборот кимдан олинади?

- Манбалар:
- Муаммо юзасидан мутахассис билан сұхбатдан;
- Шифокордан;
- Муаммо мавжуд худудда истиқомат қилувчиilar билан мулоктдан;
- Ҳүжкөтілдерден;
- ОАВ да зылон қилинган материаллардан.

## Тұпланған ахборот билан ишлаш тартиби

- Гурухпарга ажратиш:
  - ишончлиліги;
  - янгилиги;
  - Долзарбели.
- \* Фақат кераклы ахборотни олиш (респондент ҳакида маълумот, ракамлар, далиллар);
- \* Маълумотларни бирор бир жаңарда бериш жараёнида мантиқан боғлаш.

## **Сув мавзусини ёритища журналистга қўйиладиган талаблар:**

- 1. Тезкор бўлиш , воқеа магзини тез илғай билиш , воқеанинг қизиқарли нуқталарини топа олиш
- 2. Бевосита аудиторияни жалб эта олиш
- 3. Ёритилаётган воқеа ва одамларга нисбатан мустақил бўлиш .
- 4. Давлатдали сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий жараёнлар ва ҳудуддами экологик ўзгариш лар мониторингини олиб бориш
- 5. Очиқлик , холислик
- 6. Материалларни қизиқарли ва ёрқин узатиш/бериш
- 7. Ҳукукий саводхонликка эта бўлиш .

## **Журналист-экологнинг касбий маҳорат мезонлари:**

- журналист суриштируви ўтказиш;
- факт бўйича мутахассис-эколог фикрини бериш;
- фактларни қайта-қайта текшириш;
- адолат қарор топишига ўз ҳиссасини кўшиш;
- нотўғри ахборот узатмаслик;
- ахборот манбасини кўрсатиш (агар манба ўз исми ошкор этилишини истаса)
- ирқий, жинсий, диний, сиёсий, миллий ва ижтимоий дискриминацияга йўл қўймаслик.

## КЕЙС СТАДИ

### ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ ҮЧУН ТОПШИРИҚЛАР

#### ♦ 1-ТОПШИРИҚ

Мазкур фактларнинг ахборот манбасини аниқланг. Ушбу фактлар қанчалик ишончли ва ҳақиқатта яқинлигини исботлаб беринг.

- Инсоният дуч келадиган барча ижтимоий ва табиий бўхронлар ичида сув инқизози одамларнинг ва умуман, Ер сайёрасининг яшаб қолиш муаммоси негизида туради.
- Сув ресурслари таълими бўйича лойиҳалар ҳамжамиятнинг устувор соҳаларини сув ресурсларини тежаш ва ҳимоялаш жараёнига жалб этишига ёрдам бериши мумкин.
- Сув заҳирасининг 98% ўта шўр ҳисобланади;
- Сувнинг қолган қисми эса асосан музликларда йигилган; Ердаги сувнинг жуда кам қисмини овқат тайёрлаш, кир ювиш, чўмилиш, ичиши ва санитар-гигиеник пропедураларда ишлатиш мумкин; сув заҳиралари ҳаммага етади, фақат улардан рационал фойдаланиш керак; БМТ таъкидлашича, ҳар бир одамга кунига 10–50 литр сув зарур бўлади.
- Бир миллиардан ортиқ одам хавфсиз сув таъминотига эга эмас; 2,4 миллиард одам асосий санитар шароитларисиз яшайди.
- Сув билан тарқаладиган касалликлар бутун дунё бўйича соғлиқнинг ёмонлашуви ва ўлимга сабаб бўлади; бу каби касалликлар йилига 3,4 миллион кишининг ҳётига якун ясайди; аксарият ҳолатларда болалар нобуд бўлади.

#### ♦ 2-ТОПШИРИҚ

Мазкур фактларнинг ахборот манбасини аниқланг. Ушбу фактлар қанчалик ишончли ва ҳақиқатта яқинлигини исботлаб беринг.

Ўзбекистон дунёда азалдан сугориладиган деҳқончилик ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ерлари асосан Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари суви билан сугорилади. Дарёлар сув оқимини тартибга солиш учун мамлакатда 56 та сув омбори фаолият юритмоқда. Мавжуд ишлатиладиган сувнинг 85 фоизи қишлоқ ҳўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

Сув ҳавзалари қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилган далалар, чорвачилик фермалари, саноат корхоналаридан чиқаётган оқава сувлар билан оқиб келадиган металллар (масалан, симоб, қўргошин, рух, мис, хром, марганец, қалай), радиоактив ва заҳарли моддалар билан ҳам

ифлосланниши мумкин. Металлар орасида айниқса, симоб, құрғошин ва улар бирикмалари жуда ҳавфли ҳисобланади.

Саноат корхоналаридан чиққан чиқындилаар, әқинларни парвариши қилишда фойдаланиладиган кимёвий үгитлар, қишлоқ хұжалик заарқунандаларига қарши құлланиладиган кимёвий воситалар ҳам оқава сувлар билан сув ҳавзаларига түшганида уларни ифлослантиради.

## СУВ МАВЗУСИГА БАҒИПЛАНГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ДАСТУРИ НАМУНАСИ

**«Ўзбекистон ОАВ ва ННТ вакилларининг сув ресурслари ва сувдан оқилюна фойдаланиши масалалари бүйіча хабардорлігінің ошириши»**

*мавзусидаги семинар-тренинг*

### ДАСТУРИ

**Ўтказиш вақты:** 2018 й.

**Ўтказиш жойи:** Ўзбекистон Республикасининг Қорақалпогистон Республикаси ва 7 та вилояти

**Тренерлар:** Қосимова Наргис, ф.ф.н., ЎзЖТДУ халқаро журналистика факультети доценти, «Ekolog.uz» сайтынинг бош мұхаррери.

Сулаймонова Саида, ЎзМУ журналистика факультетининг катта үқитуучиси, Anhor.uz интернет-сайты шеф-мұхаррери

Эркин Омонов, Ўзбекистон Экологик ҳаракати матбуют хизматырахбари

### 1-кун

9.00–9.30	Иштирокчиларни рұйхатта олиш	
9.30–10.00	Семинар очишлиши, лойиха мақсад да вазифалари билан танишиш, иштирокчилар билан танишув	ЖҚТМ тренерлари
10:00–10:30	Ўзбекистон Республикасининг барқарор тараққиёт йүйидеги сув сиёсати устуворліктери. Экологик хавфсизлик да уни таъминлаш омиллари. <b>Тақдимот. Мұхомама.</b>	Омонов Э.
10:30–11:30	Ўзбекистонда сувдан оқилюна фойдаланиши да сув истемоли маданияти тамойиллари: муаммолар да ечимлар <b>Тақдимот. Баҳс.</b>	Омонов Э.

<b>11:30–11:45</b>	<b>Кофе-брейк</b>	
12:00–13:00	Сув масалалари бўйича жамоатчилик нинг экологик хабардорлигини оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти. «Виртуал сув». Сув муаммоларини кенг ёритиш нима учун зарур? <b>Тақдимот. Баҳс.</b>	Қосимова Н.
<b>13.00–14.00</b>	<b>Тушлик</b>	
14.00–15.00	Ўзбекистон ОАВда сувдан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини бошқариш масалаларининг ёритилиши: мазмун, шакл, муаммолар ва тенденциялар. <b>Фасилитациявий сессия. Экосув мавзуидаги маҳаллий ва хорижий ижтимоий роликлар ва лайфхаклар намойини. Таҳлил ва муҳокама.</b>	Сураймонова С.
<b>15.00–15.15</b>	<b>Кофе-брейк</b>	
15.15–16.45	ОАВда глобал иқлим ўзгариши ва сув масалалари: одатий журналистик ёндашувлар ва хатолар. <b>Кичик гурӯҳларда ишлани. Матбуот материаллари таҳлили.</b>	Қосимова Н.
<b>16.45–17.00</b>	<b>Тренинг биринчи куни якунлари</b>	
<b>2-кун</b>		
9.30–10.40	Журналист суриштируви – сув муаммоларини ўрганишнинг самарали усули сифатида. Сув масалаларини ҳал этишда ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигининг таҳлили. <b>Интерактив сессия. Кичик гурӯҳларда ишлани. Тақдимотлар.</b>	Сураймонова С.
10.40–11.40	Ахборот манбалари билан қандай ишланади? <b>Тақдимот. Кичик гурӯҳларда ишлани.</b>	Қосимова Н.

<b>11:40–12:00</b>	<b>Кофе-брейк</b>	
12:00–13:00	Экожурналистикадаги стереотиплар. Уларни қандай йүқтөш мүмкін? <b>Тақдимот. Интерактив сессия.</b>	Қосимова Н.
<b>13:00–14:00</b>	<b>Тушлик</b>	
14:00–15:00	Журналистнинг маълумотлар билан ишланиши (дата-журналистика) ва экологик ахборот визуализацияси. <b>Мини-маъруза. Маълумотлар асосида тайёрланган ММ-материаллар таҳлили. Муҳокама.</b>	Сулаймонова С.
15:00–15:20	Экосув мавзууда мультимедиавий сторителлинг. Ҳикоянгизни аудитория учун қизиқарли қилиши йўллари <b>Мини-маъруза.</b>	Сулаймонова С.
15:20–16.00	Электрон ва босма ОАВ учун сув ресурслари ва сувдан оқилона фойдаланиш мавзусидаги бўлажак журналистик материал режа-лойиҳасини ННТ вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш. <b>Кичик гурухларда ишланиш.</b> <b>Тақдимотлар. Муҳокама.</b>	Қосимова Н.
16:00–16.30	Семинар иштирокчилари томонидан тренинг баҳоланиши, иштирокчилар ўртасида сўровна ўтказиш. <b>Семинар ёшлиши.</b>	Барча иштирокчилар ва ташкилотчилар

## ТРЕНИНГНИ БАҲОЛАШ ШАКЛИ (ФОРМА ОЦЕНКИ ТРЕНИНГА)

*Сизнинг вилоятингизда сув муаммоси қанчалик долзарб? Сув билан боғлиқ қайси муаммоларни кўпроқ ёритасиз?/ Насколько актуальна проблема воды в вашей области? Какие проблемы связанные с водой вы освещаете?*

---

---

*Тренингдан нималарни кутган эдингиз?/ Что Вы ожидали от тренинга?*

---

---

*Тренинг Сиз кутган натижани бердими?/ Оправдал ли тренинг Ваши ожидания?*

---

---

*Тренингда Ўзингиз учун янги ва муҳим бўлган қандай маълумотларни олдингиз? –*

*/Какие новые темы Вы узнали на тренинге?*

---

---

---

*Илтимос, тренинг мазмунини баҳоланг. / Оцените, пожалуйста, тренинг*

---

---

*Ўзлаштирилган билимларингизни амалиётда, ўз меҳнат фаолиятингизда қўллашни қандай режалаштирасиз? /Как Вы планируете использовать полученные знания на практике?*

---

---

*Эътироуз ва таклифлар. – Замечания, предложения.*

---

---

**КАТТА РАҲМАТ!**  
**Большое спасибо!**

Сана/дата: \_\_\_\_\_  
Шаҳар/город: \_\_\_\_\_

## ГЛОССАРИЙ

<b>ENGLISH</b>	<b>РУСЧА</b>	<b>ЎЗБЕКЧА</b>	<b>МАЗМУНИ</b>
Water balance in a plant	Баланс воды в растения	Ўсимликлардаги сув мувозанати	Ўсимлик ўзлаштирган ҳамда сарф қилган сув ўртасидаги нисбат.
Virtual water	Виртуальная вода	Виртуал сув	Бирор маҳсулотни ишлаб чиқаришига сарфланадиган сув миқдори
Water	Вода	Сув	Водород ва кислород бирикмасидан ташкил топган кимёвий модда
Water resources; Water supply	Водные ресурсы Ресурсы гидросферы	Сув ресурслари Гидросфера ресурслари	Куруқлик, дунё океани, ерости сувлари, музликлардан иборат сув захиралари
Water-management system	Водное хозяйство	Сув хўжалити	Давлатнинг, жамиятнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришига қаратилган сув захираларини бошқариш
Water supply	Водоснабжение	Сув таъминоти	Давлат, жамият эҳтиёжларини сув билан таъминлаш механизмси
Water balance	Водохозяйственный баланс	Сув хўжалиги баланси	Айни пайтда мавжуд сув миқдори ва сифатига бўлган эҳтиёж ва сувнинг борлиги ўртасидаги нисбат.
Renewable natural resources	Возобновляемые природные ресурсы	Қайта тикланувчи табиат ресурслари	Сарфланиши тезлиги уларни қайта тикланиши тезлигига тенг бўлган табиий ресурслар: биосфера, гидросфера, ер ресурслари
Water demand; Water use; Water consumption	Водопотребление	Сув истеъмоли	Сув обьектларидан эҳтиёжни қондириш учун сувнинг олиниши
Water pipes	Водопровод	Водопровод	Аҳолини сув билан таъминлаш учун ётқизилган кувур.

Fall; Waterfall	Водопад	Шаршара	Сувнинг бирор бир юқориликдан пастга қараб тушиши
Water use	Водопользование	Сувдан фойдаланиши	Сув ресурсларидан фойдаланиши тартиби, шарт-шароити ва шакллари: 1) аҳоли ва халқ ҳўжалиги эҳтиёжларини қондириши учун сув объектларидан фойдаланиши; 2) ҳўжалик ёки маишӣ мақсадларда сувни сув объектларидан олмасдан туриб, яъни «уни ўз ичидан ўтказиб» (мисол учун, гидроэлектростанция ёки чархпалақ орқали) ундан фойдаланиши. Сувдан унинг сифатини ўзгартирмасдан ёки сифатини ўзгартириб фойдаланиши мумкин (шу жумладан ҳайвонот ва ўсимлик дунёси турлари таркибини инобатта олган ҳолда).
Water horizon	Водный горизонт	Сувли горизонт	Сув ўтказадиган тог жинслирининг бир ёки бир нечта қатламлари, тепниклари, ёриқлари ва бошқа бўшилиқларнинг сув билан тўйинган ҳолати.
Reservoir	Водохранилище	Сув омбори	Сувни сақлаш ва сув оқимларини бошқариши мақсадида ҳосил қилинган, атрофи тўсилган сунъий сув ҳавзаси.
Water consumption	Водопотребление	Сув истеъмоли	Сув обьекти ёки сув таъминоти тизимидан сувнинг истеъмол қилинishi. Сув истеъмолининг икки тури мавжуд. Биринчиси, қайта тикланадиган сув истеъмоли — яъни олинган сувнинг манбага қайтарилиши.

			Иккинчиси, қайта тикланмайдиган сув истеъмоли – сувнинг фильтрация, бугланиш ва бошқа жараёнларда йўқолиб кетиши.
Liquid oxygen	Жидкий кислород	Суолтирилган кислород	Организмлар ҳәсти учун зарур бўлган сув таркибидаги кислород. Сувда органик чиқинчиларниң кўпайиши баробарида ана шу чиқинчилар билан озиқланувчи бактериялар миқдори ҳам ошиб боради. Бу бактериялар жуда катта ҳажмда кислород ютади. Натижада сувдаги кислород миқдори камайиб кетади ва мазкур ҳолат сув ҳайвонларининг ўлимига сабаб бўлади.
Leaving the water in the sand	Уход воды в песок	Сувнинг қумга сингиб кетиши	Сув обьектлари (сув омборлари, кўллар, ҳовузлар)да чўкинчилар ва ёгингарчилик сувларининг юзаки оқиб келиши натижасида тўпланиши ёки сув ёқаларининг бузилиши жараёнида сув остидаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига шутур этиши. Сувнинг қумга сингиб кетиши ҳавзалардаги сув ҳажмининг камайишига, ундан фойдаланиши курсаткичининг тушиб кетишига, охир оқибатда ботқоқлик пайдо бўлишига олиб келади.
Hydraulic engineering structure	Гидротехническое сооружение	Гидротехник инишоот	Сув ресурсларидан фойдаланиш мақсадида қурилган инишоот
Stock of water	Запас воды	Сув захираси	Айни пайтда турли мақсадларда ишлатиладиган сув миқдори.

Mineralized water	Минерализованная вода	Минераллашган сув	Минерал тузлар эритмаси билан түйинган ер ости суви. Масалан, шүрләнгән ёки ўғитләнгән ерләрдан зөвурларга сизиб чиққан сув
Well	Колодец	Кудук	20 ва ундан ортиқ метр чукурликка эга бўлган, ер ости сувларидан фойдаланиши мақсадида қазиладиган чукурлик.
Water resources protection	Охрана водных ресурсов	Сув ресурсларини мухофаза қилиш	Сув обьектларининг қуриши, ифлосланиши, йўқотилиши, камайишининг олдини олишга қаратилган ташкилий, ҳукуқий, иқтисодий тизим.
Soil groundwater	Почвенно-грунтовые воды	Ер ости сизот сувлари	Сув қатламининг ер ости сизот сувлари
Need for water	Потребность в воде	Сувга бўлган эҳтиёж	Сувдан фойдаланувчилар, аҳолининг турли соҳаларда сувга бўлган эҳтиёжи
Wastewater	Сточные воды	Оқава сув	Маиший ёки ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатилган, ёт нарсалар аралашган сув. Бундай сувнинг дастлабки кимёвий таркиби ёки физик хусусиятлари ўзгаради. Аҳоли истиқомат қиласидаган ҳудудлардан, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан оқиб ўтадиган сувларга ҳам оқава сув дейилади. Чунки бу сувлар атмосфера ёгинчаликлари, далалярни сугориш ёки кўчаларга сениш натижасида ифлосланади.

## **ФОЙДАЛИ ВА ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

### **Расмий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2014 й.);
2. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тұғри-сіда»ғи Қонуни (06.05.1993 й.);
3. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тұғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 06.12.2016 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Сув хұжа-литгини бошқаришиң ташкил этишини такомиллаштырип тұғрисида. [ex.uz/docs/245506?query](http://ex.uz/docs/245506?query)
5. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тұғри-сіда»ғи Қонуни. (2018 й.);
6. Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик фаолиятini ҳимоя қилиш тұғрисида»ғи Қонуни, 2018 й.

### **Асосий адабиётлар:**

1. Ҳақбердиеев О., Содикова Г. Ўзбекистоннинг ер-сув ресурслари: мұ-аммо ва ечимлар. – Т.: «Baktria press», 2017
2. Қосимова Н. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ри-вожланиш маңбаатлари ійлідеги таылым соңасыда ҳамкор сифатида. Үқув күлланма. – Т., ЮНЕСКО. 2018.
3. Сулайманова С., Маматова Я. Экологическая журналистика Узбе-кистана в контексте Устойчивого Развития. Учебное пособие. – Т.: Extremum-press, 2016.
4. Қосимова Н. Глобал иқтимим ўзгариши ва журналистика. Үқув-амалий күлланма. – Т., Журналистларни қайта тайёрлаш маркази. 2016.

### **Құннымча адабиётлар:**

1. Абдуллаев У. ва бошқалар. Сув Ўзбекистон келажаги учун мұхым ҳәётий ресурс. UNDP. Тошкент. 2007.
2. «Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиши бүйічі ҳамкорлықда-ги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестиция-лар» мавзуудаги халқаро конференция материалари тұплами. Тошкент, 2018 йил, 7–8 июня.
3. Аральское море и Приаралье. Обобщение работ НИЦ МКВК по мониторингу состояния и анализу ситуации. Тошкент, 2017.
4. Коханова Л. А. Экологическая журналистика, PR и реклама / Под ред. Я. Н. Засурского М.: Изд-во Юнити, 2007.

5. Кочинева А., Бергова О., Колесникова В. Экологическая журналистика: Учеб. пособие. – М., 1998.
6. Проблематика периодической печати: Учеб. пособие / Под ред. Г.С. Вычуба и Т.И. Фроловой. – М.: ИМПЭ им. А.С. Грибоедова, 2008.
7. Шарон М. Фридман, Кеннет А. Фридман. Пособие по экологической журналистике. Изд-во Tacis, 1998.
8. Eleanor Bird Richard Lutz Christine Warw. Media as partners in education for sustainable development. 2008. <http://unesdoc.unesco.org/images/0015/001587/158787E.pdf>

### **Интернет сайлар**

1. Культуры и динамика народонаселения и устойчивое развитие. Париж, ЮНЕСКО, 2001.  
<http://unesdoc.unesco.org/images/0012/001240/124028eo.pdf>
2. Динамика образования и народонаселения: мобилизация умов в интересах устойчивого будущего. Париж, ЮНЕСКО, 1999. <http://unesdoc.unesco.org/images/0011/001163/116355eo.pdf>
3. Образование в интересах устойчивого развития: междисциплинарный взгляд на согласованные действия. Международная конференция по вопросам окружающей среды и общества, образование и информационно-разъяснительная работа в интересах устойчивости. Париж, ЮНЕСКО, 1997. <http://unesdoc.unesco.org/images/0012/001271/127100e.pdf>
4. Образование в интересах устойчивого развития. От Рио до Иоханнесбурга: Уроки десятилетия взятых обязательств. Встреча на высшем уровне по вопросам устойчивого развития, Иоганнесбург, 26 августа – 4 сентября 2002 г. – Париж, ЮНЕСКО, 2002.  
[/http://unesdoc.unesco.org/images/0012/](http://unesdoc.unesco.org/images/0012/)
5. Ўзбекистон экологик ҳаракати сайти eco.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг сайти uznature.uz
7. ekolog.uz
8. ekobarqarog.uz
9. sreda.uz
10. obobd.uz

---

---

## МУНДАРИЖА

Сүзбоши.....	3
Семинар-тренингта кириш.....	4
<i>I-модуль.</i> Дунёда ва Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш ва сувни тежаш борасидаги муаммолар.....	5
<i>II-модуль.</i> Глобал иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсири.....	16
<i>III-модуль.</i> Виртуал сув ва унинг аҳамияти.....	25
<i>IV-модуль.</i> Сувдан фойдаланиш: хуқуқий асос.....	31
<i>V-модуль.</i> Сув ва ундан фойдаланиш: халқаро ҳамкорлик.....	42
<i>VI-модуль.</i> Ўзбекистон ОАВда сувдан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини бошқариш масалаларининг ёритилиши: мазмун, шакл, муаммолар ва тенденциялар.....	49
<i>VII-модуль.</i> Журналист суриштируви сув муаммоларини ўрганишнинг самарали усули сифатида.....	54
<i>VIII-модуль.</i> Журналистнинг маълумотлар билан ишлани (дата-журналистика) ва экологик ахборот визуализацияси.....	60
<i>IX-модуль.</i> Фейкныос ва фактчекинг: ёлгон ахборот ва уни текшириш усуллари.....	66
<i>X-модуль.</i> Ахборот манбалари билан ишлап қоидалари ва журналиста қўйиладиган таалаблар.....	71
Сув мавзуси юзасидан семинар-тренинг дастури намунаси.....	77
Семинар-тренингни баҳолаш шакли.....	80
Глоссарий.....	81
Фойдаланилган ва фойдали адабиётлар.....	85

**Наргис ҚОСИМОВА**

**СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ  
ЎЗБЕКИСТОН ОАВ НИГОҲИДА**

*Услубий қўлланма*

*Муҳаррир Сайдмурод Холбеков*

*Бадиий муҳаррир Мафтұна Ваххобова*

*Техник муҳаррир Елена Толочко*

*Матн терувчи Гулчехра Азизова*

Лицензия рақами AI № 163. 09.11.2009. Босишга 2018 йил 22 сентябрда рухсат этилди. Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қотози. Times TAD гарнитураси. Шартли босма табори 5,11. Нашр табори 3,86. Адади 50 нусха. Шартнома № 81—2018. Буюртма № 51.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Чўлпон номидаги нашриёт-матбая ижодий уйи техник ва дастурий воситалар базасида чон этилди. 100011, Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-10-45. Факс: (371) 244-58-55.